245
ФИЛФАКА САГУ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 245 (992)
13 ДЕКАБРЬ
ЖУМА
1957 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 тиин

Коммунистлар ва комсомоллар йиғим-теримда авангард бўлсин!

Шу кунларда пахта планининг бажарилиш тақдири ҳал қилинмоқда. Белни маҳкам боғлаб яна бир зўр берилса, маррага етилади. Азамат халқимизнинг аввал баҳордан тортиб то шу маҳалгача тер тўкиб килган меҳнатининг меваси бўлган «оқ олтин» дурдоналарининг бир қисми ҳали далада, ўр-қирда, ҳатто чала чувилган ғўза пўчоқларида ётибди. Минг-минглаб кишилар шу ҳосил тақдири тўғрисида ўйламоқда, уларнинг қалби қаҳрамонлик кўрсатиш ва пахта планини шараф билан адо этишга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқи билан бир текис урмоқда.

Шундай экан, ҳозирги рўй берган шароитда ишнинг муваффақиятли ҳал этилишини аввало коммунистлар ва комсомоллар таъминлайдилар. Улар меҳнатда чинакам шахсий намуна кўрсатишлари, колхозчилар, совхоз ишчиларини ҳосилни сақлаб қолиш, халқ бойлигининг охирги заррасигача исроф қилмасдан териб олиш учун курашга руҳлантиришлари керак.

Областимиз районларидаги кўпгина қишлоқ партия ташкилотлари ҳосил тақдири учун юксак масъулият ҳис этганлари ҳолда, омманинг шу кеча-кундузлари ижодий ташаббусига моҳирлик билан бошчилик қилмоқдалар, ҳосил йиғиштириб олинаётган далаларда, кўсак чувилаётган ва пахта қуритилаётган жойларда социалистик мусобақанинг ҳақиқий ташкилотчилари бўлмоқдалар, шу билан бир қаторда коммунистлар ва комсомолларнинг намуна кўрсатиб ишлашларини таъминламоқдалар.

Бу жиҳатдан Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз бошланғич партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Иброҳимов)нинг иш тажрибаси ибратлидир. Кейинги ёққан қор натижасида колхозда жиддий аҳвол юз берди, ҳосилнинг талайгина қисмининг ерда қолиб кетиш хавфи пайдо бўлди. Ана шунда колхоз партия ташкилоти ҳисобидаги 38 коммунистнинг ҳаммаси биринчи бўлиб этак тўриб далага чиқди. Ҳар бир коммунист ва комсомол қайси вазифада ишлашидан қатъий назар, терим нормасини бажариши керак — масала партия ташкилоти томонидан ана шу тахлитда большевикчасига қўйилди. Дастлабки кунлариёқ коммунист, комсомоллар нормани тўлиқ ва ошириб бажара бошладилар. Коммунистлардан Б. Номозов, И. Каримов ва Р. Аҳмедова ўртоқлар далада ишловчиларнинг катта бир группасига бошчилик қилиш билан бирга, ўзлари ҳам кўсак теришда нормани ошириб бажардилар. Коммунистлар бошлаб берган ташаббус тез кунда ўз таъсир кучини кўрсатди. Республиканинг энг йирик хўжаликларидан бири ҳисобланган бу гигант колхоз 2575 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 23 центнердан ҳосил олиб, планини ошириб бажарди. Колхоз аъзолари давлатга яна 500 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олиб, шу кунларда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Афсуски, ҳамма қишлоқ партия ташкилотлари ҳам ҳосилнинг тақдири учун қайғириб ва юксак жавобгарлик ҳис этиб, омманинг ижодий ташаббусига бошчилик қилаётирлар. Йиғим-теримда коммунист ва комсомолларнинг намуна кўрсатиб ишлашларини таъминлаётирлар, деб бўлмайди.

Масалан, «ЎзССР беш йиллиги» совхози пахта тайёрлашда область сволкасининг энг охирги ўринларидан бирида қолиб келмоқда. Фактлар шуни кўрсатмоқдаки, совхоз ишчиларининг унумли меҳнат қилишлари учун қулай маданий-маиший шароит яратиб берилмаётир. Ишга яроқли барча кучлар ҳосилни йиғиб-териб олишга тўла сафарбар этилмаган. Совхозда ҳосилнинг бир қисми ҳали йиғиштириб олинмаганидан нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда. Коммунистлар ва комсомоллар ҳосилни сақлаб қолишда актив қатнашмаётирлар. Совхоз партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Қолжонов) эса, ҳозирги ҳақиқий аҳволдан ҳануз тўғри хулоса чиқариб олмаганга ўхшайди. Бу ерда партиявий-сиёсий ишлар ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Шуни унутмаслик керакки, ҳосилнинг тақдири учун биринчи навбатда коммунист ва комсомоллар жавобгардирлар. Улар меҳнатда шахсий намуна кўрсатибгина қолмай, колхоз, совхоз ва МТСлардаги ишга яроқли кучларнинг йиғим-теримда актив қатнашишини ва белгиланган нормани ошириб бажаришларини таъминлашлари ҳам керак.

Қишлоқ партия ташкилотларининг вазифаси—колхозлар, совхозлар ва МТСларда бениҳоя ғайрат кўрсатиб ишлаш вазиятини вужудга келтиришдан, пахта тайёрлаш ишларини ҳозирги мураккаб шароитда моҳирлик билан ташкил қилишдан, коммунист ва комсомолларнинг алоҳида намуна кўрсатиб ишлашларига эришишдан ва шу йўл билан омманинг меҳнат ғайратини ҳосилни батамом йиғиштириб олишга қаратишдан иборат.

Қишлоқ коммунистлари ва комсомоллари шу кеча-кундузда ҳосил тақдири ҳал қилинаётган ҳамма ерда — далада, кўсак терилаётган ва чувилаётган жойларда социалистик мусобақанинг ташкилотчилари бўлишлари, ўзлари бу мусобақанинг олдинги сафларида боришлари керак.

Ҳали йиғиштириб олинмаган озмунча ҳосил борми, энг қиммат баҳо бойлигимиз бўлган пахтанинг далада қолган қисмини тўкилиб-сочилиб нес-нобуд бўлишига йўл қўйиб бўладими, ахир? Ҳосилнинг исроф бўлишига йўл қўймаслик, ундан келадиган жиддий зарарни ҳар бир теримчига тушунтириш — коммунист, комсомолларнинг жонажон иши ва виждоний бурчидир.

Сурўатни сусайтиришга ҳеч қандай асос йўқ. Салгина бўлса ҳам сусткашлик кўрсатиш ҳозир конп зарар ва мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Партия ташкилотлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг «Республикада пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни тугаллаш ва пахта тайёрлаш планини бажариш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган вазифаларни ҳар бир теримчига етказишлари ҳамда унинг бажарилишини таъминлашлари лозим. Бунинг учун омма билан алоқа қилиш ва меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш активлигини оширишнинг муҳим воситаси бўлган сиёсий агитацияни, маданий-маиший хизматни кучайтириш, илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш, радио, деворий газета, «Жанговар варақа», «Молния» ва ҳоказолардан фойдаланиш керак.

Ҳозирги энг муҳим вазифа — колхоз ва совхозлардаги ишга яроқли барча аҳолини, модий-техника воситаларини йиғим-терим ишларини муваффақиятли якуплашга сафарбар этишдан, ҳал қилувчи ҳужумга отланишдан иборатдир. Коммунистлар ва комсомоллар бу ҳужумнинг олдинги сафларида боришлари керак. Олтин бойлигимизни сақлаб қолиш ва пахта планини шараф билан адо этиш манфаатлари шуни талаб қилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахта териш ва тайёрлаш юзасидан областлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг декабрь ойи биринчи ўн кунлик якунини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар:**

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи қуйидагиларга берилсин:

а) Тошкент областига (Ўзбекистон КП область комитетининг секретари Ўртоқ Нуриддинов, область ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Жалилов**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиги Ўртоқ **Юнусов**, область комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Кенжаев**), бу область шу йил 1 декабрдан 10 декабргача бўлган даврда 4,5 процент пахта топширган ва пахта тайёрлаш планини 85,10 процент бажарган, байроқ Самарқанд областидан олиб берилсин;

2. Ўзбекистон ССР Молия министрлигига Тошкент область ижроия комитетига 25 минг сўм ва Самарқанд область ижроия комитетига 15 минг сўм пул бериш мажбурияти юклансин.

«Ўзбекбирлашув»га Тошкент области учун 10 автомашина ва Самарқанд области учун 5 автомашина жўнатиш топширилсин.

Т Е Л Е Г Р А М М А

Финляндия Республикасининг Президенти Урхо К. КЕККОНЕН Жаноб Олийларига

ХЕЛЬСИНКИ

Президент жаноблари, Миллий байрам куни — Финляндия мустақил деб эълон қилинган куннинг 40 йиллигида Сизни ва бутун Финляндия халқини ана шу шонли кун билан қутлашга ижозат бергайсиз.

Финляндия халқи кўп йиллар мобайнида ўз миллий мустақиллиги учун курашиб келди. Россиядаги барча прогрессив кучлар, аввало, бу кучларнинг авангарди бўлган рус ишчилар синфи бу курашга ҳамиша самимий хайрихоҳ бўлиб, уни қўллаб-қувватлаб келди. Рус ишчилар синфи чор самодержавиесини ағдариш учун, собиқ чор империясидаги барча мазлум халқларни озод қилиш учун сабот билан қаҳрамонона кураш олиб борди. Бу курашда Россия ва Финляндиядаги илғор кишиларнинг жанговар бирдамлиги вужудга келди.

Чоризм зулмига хотима берган Улуғ Октябрь социалистик революцияси Финляндия халқининг миллий озодлиги учун йўл очиб берди. Россияда улуғ Ленин бошчилигида ҳокимият тепасига келган Совет ҳукуматининг биринчи тадбирларидан бири Финляндияга мустақиллик бериш тўғрисидаги қарор эди. Бу қарор бирдан-бир адолатли миллий сиёсатни — миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш юзасидан Совет давлати эълон қилган сиёсатни рўёбга чиқарди.

Совет Иттифоқи катта ва кичик бошқа мамлакатлар билан бўлган муносабатларидагидек Финляндия билан муносабатларида ҳам тўла тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, суверенитетни ҳурмат қилиш ва ўзаро иқтисодий манфаатдорлик принципларига доим амал қилиб келмоқда. Бу эса совет халқининг ҳам, Финляндия халқининг ҳам туб манфаатларига жавоб беради. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида тузилган Шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ишончни ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Бу Шартнома Финляндиянинг ва СССР ғарби-шимолий чегараларининг хавфсизлиги учун муҳим фактор, шунингдек Европанинг шимолида тинчлик қуроли бўлиб қолмоқда.

Биз, Миллий байрам билан Сизни табриклаб, шу нарсани хурсандчилик билан қайд қиламизки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар чин дўстлик ва самимий руҳи билан суғорилгандир. Биз қаттиқ ишонч билдириб айтамизки, ана шу дўстона муносабатлар халқларимизнинг бахт-саодати йўлида, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида бундан буён ҳам доим мустаҳкамланади ва ривожланади.

К. ВОРОШИЛОВ **Н. БУЛГАНИН** **Н. ХРУШЧЕВ**

Москва, Кремль
5 декабрь.

Т Е Л Е Г Р А М М А

Жаноб Олийлари

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. ВОРОШИЛОВ жанобларига
СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. БУЛГАНИН жанобларига
КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. С. ХРУШЧЕВ жанобларига

МОСКВА.

Финляндия мустақиллиги эълон қилинганлигининг 40 йиллиги муносабати билан юборган самимий табрикларингиз ва истакларингиз учун Сиз Жаноб Олийлари, Финляндия халқининг ва шахсан менинг чуқур ташаккуримизни қабул этгайсиз.

Финляндия ва рус халқларининг чор ҳокимияти зулмига қарши биргаликда кураш олиб борганликлари тўғрисида, шунингдек мамлакатларимиз ўртасидаги ҳозирги иноқ яхши қўшничилик муносабатлари тўғрисида Сизлар айтган самимий сўзлар Финляндия халқининг ҳамма доиралари кўнглига жуда ёқиб тушди.

Кези келганидан фойдаланиб, Сизлардан шахсан Сизга бахтиёрлик ва муваффақиятлар ҳамда Совет Иттифоқи халқларига равноқ тилаб чин кўнгилдан билдирган истакларимни қабул қилишингизни ўтинаман.

Урхо КЕККОНЕН
Финляндия Республикаси Президенти.

Хельсинки,
1957 йил 11 декабрь.

Иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисидаги Совет-Сурия битимининг ратификация ёрлиқлари айирбошланди

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Сурия Республикаси ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисида тузилган Битимнинг ратификация ёрлиқлари айирбошланганлиги ҳақида 11 декабрда Катта Кремль Саройида Протокол имзоланди. Бу Битим 1957 йил 28 октябрда Дамашқда имзоланиб, СССР Олий Совети Президиуми томонидан 1957 йил 10 ноябрда ҳамда Сурия Республикасининг Парламенти ва Президенти томонидан 1957 йил 30 октябрда ратификация қилинган эди. Ёрлиқларнинг айирбошланганлиги тўғрисидаги Протоколни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. И. Кузьмин ва Сурия Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Холид Ал-Азим имзоладилар.

Протоколни имзолаш вақтида қуйидагилар ҳозир бўлди:

Совет томонидан — Н. А. Булганин, А. И. Микоян, М. Г. Первухин ўртоқлар, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский, Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семёнов, СССРнинг Сурия Республикасидаги Элчиси С. С. Немчина, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитети раисининг ўринбосари П. В. Никитин, генерал-полковник Н. И. Гусев, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудирлари Г. Т. Зайцев, Ф. Ф. Молочков, Г. И. Тункин, СССРнинг Суриядаги ҳарбий атташеси полковник К. А. Засорин ва бошқалар.

Сурия томонидан — Ҳукумат делегациясининг аъзолари — Жамоат ишлари ва коммуникациялар министри Фахер Ал-Қайяли, Миллий экономика министри Халил Ал-Қаллаяс, Сурия Иқтисодий тараққиёт кенгашининг раиси Хасан Жаббора, шунингдек Сурия Республикасининг СССРдаги Элчиси Салоҳиддин Тарази, Сурия армияси бош штаби бошлиғининг ўринбосари бригада генерали Амин Нефури, Суриянинг СССРдаги ҳарбий атташеси полковник Б. Котраш, Сурия Ҳукумат делегациясининг экспертлари.

Маълумки, Битимда СССР Ҳукумати ва Сурия Республикасининг Ҳукумати СССР билан Сурия ўртасида қарор топган дўстона муносабатларни назарга олиб, ҳамда тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик ҳамда бир-бирларининг суверенитетини ва миллий шаънини тўла ҳурмат қилиш асосида иқтисодий ва техника ҳамкорлигини ривожлантиришни истаб, Сурияда темир йўллар қуриш, гидроэлектростанциялар қуриш, чорва моллар учун яйловларга сув чиқариш, автомобиль йўлларида кўприклар қуриш, азотли ўғитлар заводини ва бошқа объектларни қуриш соҳасида, шунингдек Суриянинг табиий ресурсларини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида геология-қидириш ишларини ўтказиш соҳасида ҳамкорлик қиладилар, деб кўзда тутилади. СССР Ҳукумати Сурия Ҳукуматига зарур кредит беради ҳамда Суриянга ҳеч қандай сиёсий ёки шу хил бошқа шартларни қўймаган ҳолда иқтисодий ва техника ёрдами беради.

Битим шартларига мувофиқ, бу Битим ратификация ёрлиқлари айирбошланган кундан кучга киради. Шундай қилиб, Битим 1957 йил 11 декабрдан бошлаб кучга кирди.

Ёрлиқларнинг айирбошланганлиги тўғрисидаги Протоколни имзолаш маросими дўстона ва самимий вазиятда ўтди, уни имзолаш вақтида И. И. Кузьмин ва Холид Ал-Азим нутқ сўзладилар. (ТАСС).

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг Бюджет комиссияларида

Шу йил декабрнинг бошларида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг Бюджет комиссиялари 1958 йилда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш планининг ҳамда Давлат бюджетининг проектларини, шунингдек 1956 йилги Давлат бюджетининг ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоботни дастлабки равишда кўриб чиқишга киришилар, бу проектлар ва ҳисобот СССР Министрлар Совети томонидан СССР Олий Советининг тасдиқига тақдим этилади.

Иттифоқ Советининг Бюджет комиссияси депутат Н. И. Смирнов раислиги остида ва Миллатлар Советининг Бюджет комиссияси депутат Ф. П. Котов раислиги остида 4 декабрда ўзларининг ялпи мажлисларини ўтказдилар, план ва бюджет проектларини комиссияларда кўриб чиқиш тартибини ва муддатларини белгиладилар.

Ҳар қайси Бюджет комиссияси бир қанча махсус тайёргарлик комиссиялари ташкил этди, бу тайёргарлик комиссиялари иттифоқчи республикалар ва халқ хўжалиги тармоқлари бўйича халқ хўжалик плани проектларини ва Давлат бюджети проектларини кўриб чиқадилар. Айрим тайёргарлик комиссиялари 1956 йилги СССР Давлат бюджетининг ижро этилиши тўғрисидаги хисоботни кўриб чиқадилар.

Кичик комиссияларнинг ишларида, Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Бюджет комиссияларининг аъзолардан ташқари, СССР Олий Советининг Бюджет комиссиялари аъзолари бўлмаган депутатлари қатнашадилар. Бюджет комиссияларида ишламоқ учун халқ хўжалиги ва маданиятнинг турли тармоқлари бўйича консультант-мутахассислар ҳам жалб қилинди.

7 декабрда Кремлда Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Бюджет комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди. СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — СССР Госпланининг Раиси Ўртоқ И. И. Кузьмин СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1958 йилги давлат плани проекти тўғрисида доклад қилди. 1958 йил учун тузилган Давлат бюджетининг проекти тўғрисида ва 1956 йилги Бюджетнинг ижро этилиши тўғрисида СССР Молия министри Ўртоқ А. Г. Зверев доклад қилди. Докладчилар 1958 йилги халқ хўжалик планининг ва Давлат бюджетининг проектларини муфассал асослаб бердилар ва СССР Олий Совети депутатларининг жуда кўп саволларига жавоб бердилар.

Тайёргарлик комиссияларининг иши давом этмоқда.

СССР Госпланининг, СССР Молия министрлигининг ҳамда бошқа министрликлар ва бошқармаларнинг вакиллари халқ хўжалик планини ва Давлат бюджетини проектлаш ҳақида кичик комиссияларда доклад-лар қилмоқдалар ва изоҳлар бермоқдалар. Халқ хўжалик планининг ва Давлат бюджетининг проектларини Бюджет комиссияларида муҳокама қилишда иттифоқчи республикаларнинг вакиллари қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитетида

Шудгорлашда юксак кўрсаткичларга эришганлик учун кўчма Қизил байроқ таъсис этиш тўғрисида

Шудгорлаш сурўатини тезлаштириш ва сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг бюроси ва область ижроия комитети 1957 йил 15 декабрдан бошлаб МТС ва совхозларга бериш учун Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг иккита кўчма Қизил байроғини таъсис этдилар.

Кўчма Қизил байроқ шудгорлаш натижаларига қараб ҳар беш кунда бериб борилади. Байроқ билан бирга ер ҳайдашда ўрнак кўрсатган трактор бригадалари, тракторчилар, прицепшчиклар ва бошқа ишчиларни мукофотлаш учун 3 минг сўмдан пул берилади.

---

15 ДЕКАБРЬ—ХАЛҚ СУДЛАРИГА САЙЛОВ КУНИ

Ўз иши билан обрў қозонган киши

Биз район марказидаги чойхонада ўтирардик, бир неча кексалар ўзаро суҳбатлашарди:

— Дадаш жуда бамаъни йигит экан. Тўққиз йил суд бўлиб ишлаш осон эмас. Бир йилда уч марта суд алмашган вақтлари ҳам бўлган. Менингча уларнинг иши ҳам унча осон бўлмаса керак. Улар кишилар тақдирини ҳал қиладилар-да.

— Дадаш Паркентнинг қаеридан?

— Паркентнинг худди ўзидан. Эрмат аканинг ўғлида.

Кексалар мақтаб гапираётган Дадаш Эрматов кечагина Юқори Чирчиқ район маркази — Янгибозорда, Ийқ қишлоқ советида ўз иши юзасидан ҳисоб бериб, сайловчиларни мамнун қилган эди.

Дадаш Эрматов Юқори Чирчиқ районида 9 йилдан буён халқ судининг раиси бўлиб ишламоқда. Мана шу давр ичида у кўриб чиққан ишларнинг биттаси ҳам бекор қилинмади. Бу — Ўртоқ Эрматовни кўриладиган ишларни ҳар тарафлама пухта ўрганишини, масалага чуқур қараб, уни совет қонунчилигига қатъий амал қилган ҳолда тўғри ҳал этишини яққол кўрсатади. Дадаш Эрматов ўз иш малакасини ошириш устида тинмай ишлайди, сиёсий билимини оширишга доимо ҳаракат қилади.

Ўртоқ Эрматов 1937 йилда юридик институтни битиргач Андижонда судья бўлиб ишлади. 1945 йилгача суд раиси бўлиб, сўнгра бир неча йил мобайнида район партия комитетида ҳам ишлайди. 1949 йилда яна юридик ишга қайтиб, Юқори Чирчиқ район халқ судьяси вазифасида ишлаб келмоқда. Шундан буён Ўртоқ Эрматов ўзининг ҳалол хизмати туфайли район меҳнаткашлари ўртасида обрў қозониб келмоқда. Дадаш Эрматов социалистик қонунчиликка амал қилган ҳолда меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб иш юргизмоқда, ишёқмас ва текинхўр элементларга қарши кескин курашмоқда. Сайловчилар талабларини ўз вақтида амалга ошириш учун ҳаракат қилади. Ўртоқ Эрматов бу сафар ҳам халқ судьяси сифатида сайловчилар ишончини шараф билан оқлайди.

Р. ИСҲОҚОВ.

Сайловга пухта тайёрлик кўрилди

Қорасув районидаги «Коминтерн» колхози клубига 9-сайлов пункти жойлашган. Бу сайлов пункти ҳузуридаги агитпункт ҳар доим сайловчилар билан гавжум. Агитаторлар сайловчилар билан суҳбатлар ўтказиб, совет судининг одиллигини, халқчиллигини тушунтириб бермоқдалар.

Агитаторлардан М. Қосимова, Ф. Рихсиев, А. Мирсоатов, З. Саримсоқов ўртоқлар сайловчиларни халқ суди ва маслаҳатчилигига кўрсатилган номзодларнинг биографияси ва жамоат ишларида қилган фаолиятлари билан таништирмоқдалар. Агитаторлар суҳбатларида СССР Олий Советининг юбилей сессияси материаллари, социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари кенгаши қабул қилган Декларация ҳамда Тинчлик манифестини сайловчиларга тушунтириб бермоқдалар.

Шунингдек сайлов пунктида сайловчиларнинг номзодлар билан учрашуви ташкил этилди. Ҳозир сайлов пунктида сайлов қутилари ва овоз бериш кабиналари тахт қилиб қўйилди.

И. РУСТАМОВ.

Янгиерликларнинг номзодлари

Областимизнинг энг ёш, янги шаҳарларидан бири бўлган Янгиер шаҳрининг меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР халқ судлари сайловини ўтказишга катта тайёрлик кўрмоқдалар.

Шаҳарда 4 та агитпункт бор. Агитпункт агитаторлари сайловчилар ўртасида шаҳар саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларининг коллективлари томонидан халқ суди ва халқ маслаҳатчилигига кўрсатилган номзодларни кенг пропаганда қилмоқдалар.

Шаҳар сайлов пунктларида сайловчиларнинг номзодлар билан учрашувлари ташкил этилмоқда. Янгиерлик меҳнаткашларнинг энг илғор, меҳнатсевар фарзандларидан 70 киши халқ маслаҳатчилигига, Ўртоқ Тешабой Умаровнинг кандидатураси эса халқ судьялигига кўрсатилди. Халқ маслаҳатчилари ўртасида машҳур бетончилар бригадасининг бошлиғи Мамадамин Мамадалиев, бетончи Қурбон Ғаниев, электрпайвандчи А. Низбоева, юк ташувчи Эргаш Йўлдошев ўртоқлар сингари ишлаб чиқариш илғорлари бор.

Юридик институтни тамомлаган, ўз касбини севган Ўртоқ Тешабой Умаров шу вақтгача Ховос район 1-участка халқ судьяси вазифасида ишлаб келди. У социалистик қонунчиликни изчиллик билан ҳимоя қилувчи одил судьядир. Шунинг учун уни меҳнаткашлар ҳурмат қиладилар. Янгиерликлар биринчи марта Ўртоқ Умаровга катта ишонч билдириб, унинг кандидатурасини халқ судьялигига якдиллик билан кўрсатдилар.

Янгиерликлар халқ ишончига сазовор бўлган муносиб номзодлари учун овоз беришга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Е. ГОДОВИКОВ.

Агитаторлар сайловчилар орасида

Қош қорайган. Колхоз қишлоғининг марказидаги агитпунктга сайловчилар бирин-кетин келиб, баъзилари шахмат-шашка ўйнамоқдалар. Бировлар кун бўйи қилган ишлари, неча килограмм кўрак териб, унинг эвазига қанча ҳақ олганликлари ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Агитатор Ўртоқ Ортиқов ўтирганларнинг диққатини ўзига жалб қилиб;

— Бугунги суҳбатимизнинг темаси «СССР Конституцияси социализм галаба қилган мамлакат конституциясидир», — дейди. Агитатор СССР Конституциясининг ҳар бир моддасида мамлакатимизда қарор топган янги социалистик тузумнинг буюк афзалликлари ифодаланганлиги ҳақида, совет гражданларининг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида жонли мисоллар келтириб сўзлаб берди.

Сирдарё район Тарас Шевченко номли колхоз агитпунктида ўтказилаётган суҳбатлар доимо жонли, сайловчиларни қизиқтирадиган даражада, колхоз ишлаб чиқариши билан боғлаб ўтказилмоқда.

Бу агитколлективнинг агитаторларидан Саримов, Конгадзе, Номозов, Ўртоқлар Ўзлари биркитилган участкаларда сайловчилар ўртасида агитация ишларини намунали олиб бораётирлар. Колхоз партия ташкилоти эса сайловчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни қизитиб юборишда колхоз радиоузели, деворий газетадан кенг фойдаланмоқда.

Радиоузел орқали сайловчиларга «Буржуа сайлов системаси оммани алдаш системасидир», «Совет гражданларининг ҳуқуқ ва бурчлари» ва бошқа темаларда лекциялар уюштирилмоқда.

Райондаги «Малик» совхози, Охунбобоев номли, «Ҳақиқат», «XVIII партконференция», «Правда» колхозларининг партия ташкилотлари сайловолди тайёрлик ишларини кучайтириб, агитаторларнинг ишчанлигини кучайтирмоқдалар. Агитаторлар сайловчилар ўртасида СССР Олий Совети сессияси материаллари ҳақида, район хўжалигининг экономикасига доир темаларда суҳбатлар уюштирмоқдалар. Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг Москва кенгаши Декларацияси ва Тинчлик манифестини ўқиб эшиттирмоқдалар.

Ҳозир агитаторлар халқ судлари ва халқ маслаҳатчилари номзодларини сайловчилар ўртасида кенг пропаганда қилиб, сайловолди ишларини тобора кучайтирмоқдалар.

Р. ОЧИЛОВ.

Депутат билан учрашув

Меҳнаткашлар депутатлари Чирчиқ шаҳар Советининг депутатлари ўз сайловчилари билан учрашмоқдалар. Яқинда «Чирчиксельмаш» заводининг клубида шаҳар Советининг депутатлари Абламонов ва Юсупов Ўртоқлар Сельмаш сайлов округининг сайловчилари билан учрашдилар. Улар сайловчилар наказини амалга ошириш соҳасида шаҳсан ўзларининг қилган ишлари ва шаҳар Советининг фаолияти тўғрисида сайловчиларга сўзлаб бердилар.

Учрашувда сўзга чиққан Гринкевич, Архипов ва Еравицкий Ўртоқлар депутатларнинг эътиборини ҳали ҳал этилмаган бир қатор масалаларга қаратдилар.

Депутатлар сайловчиларнинг эътироз ва таклифларини тан олиб, камчиликларни дарҳол бартараф этишга ваъда бердилар.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Дуайт Д. Эйзенхауэрга мактуби

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин 10 декабрда Америка Қўшма Штатлари Президенти Дуайт Д. Эйзенхауэрга мактуб билан мурожаат қилди. Мактубда дейиладики, Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британиянинг ташаббуси билан Шимолий атлантик иттифоқи (НАТО) қатнашчиларининг ҳарбий тайёргарликларини кескин равишда кучайтириш мақсадини ўз олдига қўйган тадбирлар ишлаб чиқилмоқда, шунингдек НАТО Кенгашининг яқинда бўладиган сессиясидан мусайян умидвор бўлинмоқда.

Бу тадбирларнинг моҳияти Шимолий атлантик иттифоқига аъзо бўлган давлатларнинг ҳамма ресурсларини қурол-яроғларни ишлаб чиқаришни ва умуман урушга тайёрланишни тезлатиш мақсадида сафарбар қилишдан иборат эканлиги ҳозирнинг ўзида ўзи равшан бўлиб қолди. НАТО раҳбарлари бўладиган сессияда атом ва водород қуролидан кенг фойдаланишни кўзда тутган ҳарбий-стратегия планлари кўриб чиқилади, деб ошкора айтмоқдалар.

Шу билан бирга, дейилади сўнгра мактубда, жаҳоннинг ҳамма давлатларида зўр бериб қуролланишни тўхтатиш учун, янги уруш бошланиб кетиш хавфини даф қилиш учун бошланган қудратли ҳаракат ўсиб ва кенгайиб бормоқда. Халқлар шундай сиёсат ўтказиш керакки, давлатлар бир-бирларига қарши пичоқ қайраш ўрнига бир-бирларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ўзаро ҳурматлаб ва бир-бирлари билан қилиладиган ҳамкорликдан манфаат кўриб, тинчликда яшайдиган бўлсинлар, деб талаб қилмоқдалар.

Мактубда кескинлашган халқаро вазият ҳамда бу кескинликни туғдираётган сабаблар анализ қилиб берилган. Н. А. Булганин уқтириб ўтадики, Совет-Америка муносабатларининг ҳозирги ҳолати совет халқини ҳам, бизнинг фикримизча, Америка халқини ҳам қаноатлантира олмайди. Бу муносабатларнинг кескин ва ҳатто, кўпинча деярлик душманлик тусига кириб боришини сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам оқлаб бўлмайди.

Мактубда дейиладики, СССР ва АҚШ Буюк Британия ҳукумати билан бирликда ядро қуролини қўлланмаслик тўғрисида ўз зиммаларига мажбурият олишлари ва 1958 йил 1 январдан бошлаб бу қуролнинг ҳамма турларини перглатиб синашни бошда лоақал 2-3 йилгача тўхтатамиз, деб эълон қилишлари лозим. Ядро қуролининг ҳар қандай турларини Германия территориясида — Ғарбий Германия территориясида ҳам, Шарқий Германия территориясида ҳам жойлаштиришдан воз кечиш таклиф қилинади.

Мактубда Шимолий атлантик иттифоқига аъзо бўлган давлатлар билан Варшава Шартномасига аъзо бўлган давлатлар ўртасида бир-бирига ҳужум қилмаслик тўғрисида у ёки бу шаклда шартнома тузиш тўғрисида қўшма таклифни шу ҳар иккала гуруҳ аъзоси бўлган давлатлар муҳокамасига тақдим этиш таклиф этилади. Сўнгра, мактубда, ҳар иккала давлат ўз ўрталарида дўстлик ва тинч ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қатъий ният қилганликларини эълон қилсинлар, ўзаро ишончсизлик, шубҳаланиш ва хусумат ҳисларини туғдирувчи ҳозирги пропагандани матбуотда ва радио орқали олиб боришни тўхтатиш чораларини кўрсинлар, савдо алоқаларини нормал ривожлантирмоқ учун шарт-шароитни тикласинлар, илмий, маданий алоқаларни ва спорт алоқаларини кенгайтирсинлар, деб таклиф қилинади.

Мактубнинг охирида дейиладики, давлатлар ўртасидаги муносабатларда зарур ишончни вужудга келтириш сўнгра, қуролли кучларни ва қурол-яроғларни анча камайтириш сингари, ядро қуролини бутқул тақиқлаш, бу қуролни ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва унинг тўпланган запасларини йўқ қилиб юбориш, ҳамма давлатларнинг территорияларидан, шу жумладан НАТОда ва Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг ҳам территорияларидан чет эл қуролли кучларини олиб чиқиб кетиш, давлатларнинг мавжуд ҳарбий гуруҳлари ўрнига коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш сингари радикал тадбирларни ҳам амалга оширишга киришиш имкониятини берган бўлур эди. (ТАСС).

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг Германия Федератив Республикаси федерал канцлери К. Аденауэрга мактуби

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин Германия Федератив Республикаси федерал канцлери К. Аденауэрга мактуб билан мурожаат қилди.

Мактубда айтиладики, халқаро вазиятнинг янада кескинлашувини даф этишга ва халқларнинг тинчликда яшаши учун зарур шароитларни вужудга келтиришга интилаётган бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари сингари Совет ҳукумати ҳам НАТО аъзолари бўлган давлатларнинг атом урушига тайёргарликни кескин равишда кучайтираётганликлари ва кенгайтираётганликлари, бундай тайёргарлик НАТО кенгашининг Парижда ўтказиладиган сессияси муносабати билан, айниқса яққол кўринаётганлиги сабабли, ғоят ташвишланмоқда.

Мактубда дейиладики, СССР ва АҚШ Буюк Британия ҳукумати бирин ҳам кўпроқ боғлаб қўйиб, Германиянинг миллий бирлигини тикламоқ учун ҳозирги кунда очиқ бўлиб турган бирдан-бир йўлни — ҳар иккала герман давлати ўртасида битимга келиш йўлини ҳам тўсиб қўйиши мумкин.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ўз мактубида шуни қайд қилиб ўтадики, НАТО кенгашининг бўладиган сессияси муносабати билан федерал канцлерга қилинаётган бу мурожаат Совет Иттифоқи НАТО қўмондонлиги планлаштираётган тадбирлардан чўчигани учун қилинаётган мурожаат эмас, албатта. Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа давлатларнинг сингари Совет Иттифоқининг мавқеи ҳам мустаҳкам мавқедир ва унинг бу тадбирлар натижасида заифланиб ёки бўшашиб қолиши мумкин эмас.

Давлатлар ўртасида совуқ уруш йилларида путур етказилган ишончни тиклаш учун зарур бўлган воситалар қаторида Н. А. Булганин қуйидагиларни кўрсатиб ўтади: Ядро қуролидан воз кечилсин, низоли масалаларни ҳал қилишда куч қўлланишдан воз кечилсин, Варшава Шартномаси ташкилоти билан Шимолий атлантик пакти ўртасида бир-бирига ҳужум қилишмаслик тўғрисида битим тузилсин, урушга даъват қилишлар ва давлатлар ўртасида душманликни пропаганда қилишлар тўхтатилсин, атом ва водород қуролининг ҳар қандай синовлари лоақал 2-3 йил тўхтатиб турилсин.

Европанинг марказий қисмида атом қуролидан холис бўлган ва Германиянинг ҳар иккала қисмини ўз ичига олган зона вужудга келтириш, дейилади мактубда, қуролсизланиш ва халқаро кескинликни юмшатиш манфаатларига хизмат қилган бўлур эди.

Н. А. Булганин ҳозирги вақтда Москвада СССР ва Германия Федератив Республикаси ҳукумат делегациялари ўртасида бўлаётган музокаралар ҳар иккала томонга манфаатли битимга келиш билан тугалланур, деб умид билдириб, бундесверни атом ва ракета қуроллари билан қуроллантирилиши ҳамда Федератив Республика территориясидан чет давлатларнинг ракета ва атом базаларини жойлаштирмоқ учун фойдаланиш нақадар ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигига эътиборни яна бир марта жалб қилади. (ТАСС).

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин билан Ҳиндистон Бош Министри Нерунинг бир-бирларига юборган мактублари

Шу йил 28 ноябрда Ҳиндистон Ташқи Ишлар Министрлиги Ҳиндистон Бош Министри Ж. Нерунинг ядро қуроли синовларини ва зўр бериб қуролланишни тўхтатиш масаласи юзасидан Совет Иттифоқи ва АҚШ ҳукуматларига мурожаати текстини СССРнинг Ҳиндистондаги Элчихонасига топширган эди.

Шу йил 10 декабрда ССР Иттифоқи Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин Жавоҳарлал Неруга жавоб мактуби юборди.

Ж. Неру мурожаатининг ва Н. А. Булганин жавоб мактубининг текстлари қуйида келтирилади.

Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Нерунинг Совет Иттифоқи ва АҚШ Ҳукуматларига мурожаати

Мен, Америка Қўшма Штатларининг ва Совет Иттифоқининг улуғ раҳбарларига мурожаат қилишга жўръат этаётирман. Мен жуда камтарлик билан, лекин катта самимият билан мурожаат қилаётирман. Бизнинг Ҳиндистонда жиддий проблемалар мавжуддир, бироқ ҳозирги вақтда жаҳонга таҳлика солаётган кризис, яъни цивилизация кризиси — шу вақтгача жаҳоннинг сира бошига тушмаган кризис тўғрисидаги фикр миямни банд қилиб турибди.

Мен ишонаманки, Америка билан Россия бу кризисни ҳал этишга ва инсониятга таҳлика солиб турган даҳшатли ҳалокатдан уни қутқазиб қолишга қодирдир. Биз яшаб турган ер юзи атом асрининг янги қуроли учун жуда тор бўлиб қолди, шу билан бир вақтда инсон ўз ақли ва билимлари туфайли планеталараро бўшлиққа чиқмоқ учун ўзига йўл очмоқда ва осмон орасига ёриб кирмоқда. Инсонлар ҳаётининг ўзи таҳлика остида турибди. Ер юзидаги ҳаётни емириб ташламоқ учун ҳозирнинг ўзидаёқ етарлик миқдорда ялпи қирғин қуроллари бор. Бугунги кунда бундай қуроллар Америка билан Россияда жуда кўп. Англияда ҳам бу қурол бор. Эртага эса, эҳтимол, бошқа мамлакатлар ҳам шу қуролга эга бўлиб қолурлар ва ҳатто инсонлар уни контроль қилишга ожиз бўлиб қолишлари мумкин.

Ядро порлатиб синаб кўрилмоқда, бу эса ҳавони, сувни ва озиқ-овқатларни заҳарламоқда, ҳозирги ва келажак бўғинларга бевосита зарар етказмоқда.

Ялпи қирғин қуролини яратишдаги бу мусобақа давом эттирила берса, совуқ уруш давом эттирила берса, ҳеч бир мамлакат, ҳеч бир халқ, ҳар қанча қудратли бўлса ҳам, ўзини қирилишдан омон қоламиз, деб ҳисоблай олмайди.

Бу хавф-хатардан ташқари, агар бундай тенденциялар давом этадиган бўлса, инсонларнинг минг йиллар давомида қилиб келган ҳаракати натижасида вужудга келтирилган цивилизация қўқрув ва нафрат сабабли кемирилади ва қақшаб боради, аста-секин йўқ бўлиб кетади.

Жаҳондаги ҳамма халқлар яшашга, тараққий этишга ва ўз тақдирларини ўзларича белгилашга ҳақлидирлар. Улар тинч ва хавфсиз яшашга ҳақлидирлар. Улар жаҳонда биргаликда яшаб, ўз проблемаларини тинч йўл билан ҳал қилганлари тақдирдагина, ҳозирги вақтда мана шу ҳуқуқларнинг ҳаммасини сақлаб қола оладилар. Уларнинг диллари, эътиқодлари ва идеологиялари турличадир. Улар куч ёрдами билан, ёки куч қўлланмоқчи бўлиб дўқ қилиш билан бир-бирларини ўз динларига кирита олмайдилар, чунки бундай қилишга ҳар қандай уринган ялпи ҳалокатга олиб келган бўлур эди. Бирдан-бир йўл шуки, ўртадаги келишмовчиликларга қарамай, тинч-тотув яшаш керак ҳамда нафрат ва зўравонлик сиёсатидан воз кечиш керак. Маънавий ва этика мулоҳазалари шуни талаб қилади, лекин амалий соғлом ақл-фаросат шундай йўл тутиш кераклигини тағин ҳам кўпроқ айтиб турибди.

Шундай қилиниши мумкинлигига менда шак-шубҳа йўқ, бутун инсониятга таҳлика солаётган, онгимизни ва келажагимизни хиралаштириб турган бу даҳшатга Америка билан Россия хотима беришга қодир эканликларига менда шак-шубҳа йўқ.

Миллион-миллион одамлар Ғарб капитализми деган нарсага ишонадилар, миллион-миллион одамлар коммунизмга ишонадилар, лекин шу идеологияларнинг бирортасига ҳам тарафдор бўлмаган ва, шунга қарамай, бошқалар билан дўст бўлишга, яхши турмуш қуришга ва кўпроқ умид бағишлайдиган келажакка интилаётган кўп миллионлаб кишилар ҳам бор.

Мен ўз номимдан гапираётган бўлсам ҳам, лекин ўз мамлакатимдаги, шунингдек жаҳоннинг бошқа мамлакатларидаги жуда кўп кишиларнинг фикрларини ифодалаётирман, деб ҳисоблайман.

Шу сабабли, мен жўръат қилиб, улуғ раҳбарларга ва айниқса бутун дунёга таъсир ўтказиши ё бутун дунёни мислсиз юксакликка кўтариши, ёки офатлар гирдобига ташлаб юбориши мумкин бўлган шу қадар катта қудрат тақдир тақозоси билан бугунги кунда ўз қўлида тўпланган Америка ва Россия раҳбарларига мурожаат қилаётирман.

Мен уларга мурожаат қилиб, уларни ядро портлатиб ўтказиладиган ҳар қандай синовларни тўхтатишга ва шу тарика ўзларининг бу таҳликага хотима беришга ҳамда амалий қуролсизланишни давом эттиришга қаттиқ бел боғлаганликларини жаҳонга кўрсатишга чақираман.

Шу мақсад рўёбга чиқган ҳамона инсон қалбидаги жуда катта мусибат йўқолади. Бироқ, фақат жисмоний ўзгаришларнинг ўзигина кифоя қилмайди. Қўрқувни йўқотишга ва инсонларнинг бундан буёнги яшашига таҳлика солиб турган хатари тенденцияни ўзгартиришга интилиш керак. Бу проблемалар тинч методларни ишга солган ҳолда, бевосита алоқалар қилиш ва битимларга келиш йўли билангина ҳал этилиши мумкин.

Жавоҳарлал НЕРУ.

Деҳли, 1957 йил, 28 ноябрь.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Неруга мактуби

Ҳурматли Бош Министр жаноблари,

Совет Иттифоқи Ҳукумати Сизнинг АҚШ ва Совет Иттифоқи Ҳукуматларига 28 ноябрда юборган мурожаатингизни чуқур эътибор бериб ва хайрихоҳлик билан кўриб чиқди. Сизга катта мамнуният билан шуни айтмоқчиманки, Сиз зўр бериб қуролланишга ва совуқ урушга хотима беришга, тинч-тотув яшаш йўлига киришга ва низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишга чақириб нақадар олижаноб мақсадларни кўзда тутганлигингизни батамом тушунамиз.

Инсонларнинг тақдири учун хавотир бўлаётганлигингиз бизга яқин ва тушунарлидир. Тинчликни сақлаб қолиш мақсадида Сизнинг мактубингизда шу қадар ишонтирарли куч билан ифодаланган самимий интилиш шунинг учун ҳам бизнинг ҳурматимизга сазовор бўлдики, ва шунинг учун ҳам биз буни тушунамизки, Совет Ҳукуматининг ташқи сиёсати тинчлик сиёсатидир. Сиз Совет Иттифоқига қилган унутилмас сафарингиз вақтида бутун совет халқи бу сиёсатни нақадар руҳланиб ва зўр куч билан қўллаб-қувватлаётганлигини шахсан ўз кўзингиз билан кўриб ишонч ҳосил қилган эдингиз.

Тинч-тотув яшаш зарурлиги масаласида бизларнинг қарашларимиз бир-бирига монанд бўлиб чиққанлигини, ҳурматли Бош Министр, Эйзенхауэр — Макмиллан кенгашининг якунлари тўғрисидаги ахборотдан АҚШ билан Англия ҳукуматлари қуролсизланиш проблемасини бартараф қилмоқчи эмаслар ҳамда атом ва водород қуролини тақиқлашга розі бўлмоқчи эмаслар, деган хулоса чиқармаслик мумкин эмас. Аксинча, улар ҳал этиш пайти келган проблемаларни тағин ҳам кўпроқ қийинлаштирадиган чораларни кўрмоқдалар ва қуролсизланиш масаласини батамом боши берк кўчага киритиб қўймоқдалар.

Ўзингизга маълумки, 16 декабрда Парижда Шимолий Атлантик блоки (НАТО) кенгашининг сессияси чақирилади, бу сессиянинг одатдаги практикадан фарқи шуки, у НАТОга аъзо бўлган мамлакатлар ҳукуматлари бошлиқларининг иштироки билан ўтказилади. НАТО раҳбарлари бу сессияда зўр бериб қуролланишни кучайтириш йўллари ва воситалари муҳокама қилинмоқчи бўлганлигини, НАТО мамлакатларининг қуролли кучларини ядро ва ракета қуроллари билан қуроллантиришни кўзда тутадиган янги ҳарбий стратегия планлари ишлаб чиқилмоқчи бўлганлигини ошкора айтмоқдалар.

Эйзенхауэрнинг Макмиллан билан Вашингтонда ўтказилган кенгашида ишлаб чиқилган ва НАТОда қатнашувчи мамлакатларнинг «бир-бирига боғлиқлиги доктринаси» деб аталган доктрина Шимолий Атлантик пакти ва бошқа агрессив блокларда қатнашувчи мамлакатларнинг ресурсларидан тағин ҳам кенгроқ фойдаланмоқ ва уруш тайёрлаш мақсадида уларнинг ташқи сиёсат мақсадларидаги мустақиллигини тағин ҳам кўпроқ камайтирмоқ учун шу мамлакатларга янги тазйиқ ўтказилмоқчи бўлганлигини исботлаб турибди.

Ўзингизга ҳам маълум бўлса керакки, бу планлар сунъий равишда вужудга келтирилаётган ҳарбий талваса ва Совет Иттифоқи томонидан «ҳужум бўлиш хавфи» бор деб жамоатчиликни қўрқитиш шароитида ишлаб чиқилмоқда. Ҳатто илм-техниканинг энг катта муваффақияти бўлган нарсадан, яъни Ернинг сунъий йўлдошлари учирилганлигидан ҳам ҳарбий эҳтиросларни авж олдириш мақсадларида фойдаланмоқдалар. Аммо шу нарса яхши маълумки, СССР, жуда кенг масофаларни вайрон қилишга ва қирғин қилишга қодир бўлган баллистик ракеталардан ҳам, водород ва атом бомбаларидан ҳам қирғин қилиш мақсадида ҳеч қачон фойдаланилмасин, инсон ақл — заковатининг бу улуғ муваффақиятлари кишилик жамиятини тинч ривожлантиришга батамом хизмат қилдирилсин, деб талаб қилиб келди ва талаб қилмоқда.

Совет Иттифоқи АҚШга ёки бошқа бирон мамлакатга ҳужум қилиш ниятида эмаслигини АҚШ ва бошқа Ғарб давлатларининг ҳукуматлари яхши биладилар. Аксинча, Совет Иттифоқи ҳамма мамлакатлар билан, жумладан, албатта, Америка Қўшма Штатлари билан ҳам яхши муносабатларда бўлишни истайди.

Баъзи бир доиралар ўзларининг агрессив ташқи сиёсий йўлларини оқламоқ учун ва муттасил кўпайиб борётган ҳарбий ҳаражатларни оқламоқ учун Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсати мақсадларини бузиб кўрсатмоқдалар. Қуролсизланиш комиссиясида ва унинг кичик комитетида Шимолий Атлантик блоки қатнашчиларининг қилаётган ишлари худди шу вазифаларга хизмат қилганлигини кейинги йилларнинг тажрибалари яққол кўрсатиб турибди-ку, ахир. Ғарб давлатлари Қуролсизланиш комиссиясида кўпчилик бўлиб олиб, қуролсизланиш ишини ҳақиқатда орқага суриб қўйдилар ва бу органдан зўр бериб қуролланишни, шу жумладан, ялпи қирғин қуроли бўлган ядро қуроли билан қуролланишни кучайтирмоқ учун ниқоб тарзидасида фойдаландилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мавжуд Қуролсизланиш комиссиясини бир мунча кенгайтириш тўғрисида Бош Асамблеянинг 19 ноябрда қабул қилган резолюцияси бу сохадаги аҳволни заррача ўзгартирмайди, чунки бу комиссия қатнашчиларининг кўпчилиги НАТО ва бошқа ҳарбий блокларнинг аъзоларидир, улар ўзларининг кўпчилик бўлганликларидан фойдаланиб, ўзлари зўр бериб қуролланаётганликларини қуролсизланиш тўғрисида гап сотиш билан бундан буён ҳам ниқобламоқчи бўладилар, бунинг учун комитетнинг махфий ишлаётганлигидан истефода қилмоқчи бўладилар.

Табиийдирки, Совет Иттифоқи бундай Комиссияда қатнашиши мумкин эмас, ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси бўлган ҳамма мамлакатлар вакилларининг иштироки билан Қуролсизланиш доимий комиссиясини тузишни анг тўғри деб ҳисоблайди. Бу комиссия халқлар контроли остида тамомила ошкора иш олиб бориши керак. Ўзингизга маълумки, Комиссияда социалистик ва бетараф мамлакатларнинг вакиллари аъзоларнинг лоақал ярмиси бўлишини таъминлайдиган қилиб бу органда давлатлардан вакил олиш тартиби етарлик даражада одилона бўлиши таъминланган тақдирдагина, мазкур Комиссияни унчалик кенг бўлмаган составда тузишга ҳам розилик берган эдик.

Энди, НАТО кенгашининг сессияси арафасида Шимолий Атлантик блоки билан СЕАТО ва Бағдод пакти сингари ҳарбий блокларни қандай шаклда бўлмасин бирлаштириш керак, деган гаплар ҳам чиқиб қолди, ўзингиз ҳақли равишда кўп марта айтганингиздек, бу блоклар Шарқи-Жанубий Осиёдаги ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқдаги вазиятни кескинлаштирмоқда. Агар бу планлар рўёбга чиқадиган бўлса, у ҳолда бу планлар халқаро вазиятни кескинлаштириш сари қўйилган янги қадам бўлур эди, янги уруш хавфини яқинлаштирган бўлур эди, Осиёдаги тинчлик зонасига, бу қитъадаги мустақил ривожланиш йўлига ўттан мамлакатларнинг хавфсизлигига ва мустақиллигига таҳдид солган бўлур эди. Бу планларнинг амалга оширилиши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолияти учун халокатли оқибатларга олиб келган бўлур эди.

Эйзенхауэр билан Макмиллан ўртасида яқинда бўлиб ўтган музокараларнинг натижаларидан кўриниб турибдики, АҚШ ва Англиянинг раҳбар доиралари Яқин ва Ўрта Шарқ халқларига нисбатан мустамлакачилик сиёсатини ўтказиш соҳасидагина эмас, шу билан бирга, Осиё ва Африкадаги бошқа халқлар устидан ўз ҳукмронликларини таъминлашга уринишларини соҳасида ҳам бирбирларини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олганлар. Машъум «вакуум» идеясига асосланган Эйзенхауэр доктринаси ҳақиқатда Эйзенхауэр — Макмиллан доктринасига айланиб кетди. Сиз каби Совет ҳукумати ҳам «вакуум» деб аталган идеяни Осиё ва Африка мамлакатлари учун айниқса хатарли деб ҳисоблайдики, бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, бу мамлакатларнинг халқлари ўз тақдирларини чет давлатларни ҳеч бир аралаштирмай, ёки уларнинг тазйиқига йўл қўймай, ўзлари ҳал қилишга ҳеч сўзсиз ҳақлидирлар.

Халқаро сиёсатда Ғарб давлатларининг куч ёрдами билан ёки куч қўлланмоқчи бўлиб дўқ қилиб бошқаларни ўз айтганларини қилдиришга мажбур этиш йўлидаги уринишларига қарама-қарши бўлиб турган бошқа йўл бор. Бошқа кўп мамлакатлар билан бирликда Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси ва Ҳиндистон қаттиқ туриб ўтказаётган бу йўл—халқаро кескинликни юмшатиш, ҳамма давлатларнинг тинч-тотув яшашини таъминлаш йўлидир. Совет ҳукумати тинчликни таъминлаш манфаатларига амал қилаётганлиги учун ҳам у, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ҳозир бўлаётган XII сессиясида Ассамблея ҳамма мамлакатларга мурожаат қилиб, уларни ўз муносабатларини территориал бутунликни ва суверенитетни ўзаро ҳурматлаш, ҳужум қилмаслик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик асосида, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида, ҳуллас тинч-тотув яшаш принциплари асосида қуришга чақирсин, деган таклифни киритди. Маълумки, бу беш принцип Ҳиндистон—Хитой Декларациясида, сўнгра эса Бандунг конференциясида эълон қилинган эди.

Бу таклифни тинчликсевар мамлакатлар ва халқлар қўллаб-қувватлашига аминмиз, чунки бу таклифда инсониятни янги уруш даҳшатларидан халос қиладиган тинчлик ва ҳаётнинг ҳамкорлик сиёсати ифодаланган.

Муайян доиралар реалликни сезиш ҳиссини йўқотиб қўйиб, қирғин ядро уруши хавфини яқинлаштирадиган чора — тадбирлар кўраётган бир шароитда, биз Сизнинг Америка Қўшма Штатлари ва Совет Иттифоқи ҳукуматларига қилган мурожаатингизни муҳим ва жиддий ташаббус деб ҳисоблаймизки, бу ташаббусни миллион-миллион кишиларнинг манфаатларига ва тақдирига бепарво бўлганларгина назар-эътиборга олмасликлари мумкин.

Совет ҳукуматига келганда, у Сизнинг ядрони портлатиб ўтказиладиган ҳар қандай синовлар тўхтатилсин, деб қилган даъватингизга зўр эътибор билан қаради ва **тантанали равишда шуни айтишга тайёрдирки, агар ўзларида ядро қуроли бўлган АҚШ билан Англия ҳам ўзлари тайёрлаётган синовларни 1958 йил 1 январдан бошлаб тўхтатишга рози эканликларини айтсалар, СССР 1958 йил 1 январдан бошлаб ҳеч қандай ядро қуролини портлатмайди.**

Совет ҳукумати шундай фикрдадирки, АҚШ билан Англия ҳукуматлари яхши ният билан иш кўрсалар, бу тадбир халқаро вазиятни соғломлаштириш, давлатлар ўртасидаги муносабатларда зарур ишончни тиклаш ва умуман қуролсизланишнинг ҳамма проблемаларини аста-секин ҳал қилиш йўлини очиб бериши мумкин.

Энди бутун гап Америка Қўшма Штатлари билан Буюк Британия ҳукуматларида қолди.

Сиз, Бош Министр жанобларининг кўрқувни йўқотиш ва зўр бериб қуролланишга қаратилган хатарли тенденцияни ўзгартириш зарур деган фикрингизга тўла равишда қўшиламиз. Ядро васвасасига хотима бериш пайти келган, бу васваса шу даражага бориб етдики, ҳозирги вақтда Америка самолётлари атом ва водород бомбаларини кўтариб олиб, бошқа мамлакатларнинг территориялари устида патрулик қилиб учиб юрмоқдалар, улар шу мамлакатларнинг аҳолисини ва умуман тинчлик ишини қандай хавф остида қолдираётганликлари билан ҳисоблашмайтирлар. Бундай масъулиятсиз ҳаракатлар натижасида атом ва водород қуроли ишлатиладиган урушнинг бошланиб кетиши ҳатто у ёки бу учувчига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолади, чунки бундай учувчи ўзини эпдай олмай қолиши, ёки ирғо чиқариш йўлига кириб кетиши мумкин.

Сиз, Неру жаноблари ўз мактубингизда, ҳозирги вақтда маънавий ва этика мулоҳазаларитна эмас, шу билан бирга амалий соғлом ақл-фаросат ҳам инсониятнинг бирдан-бир тўғри йўл бўлган тинч-тотув яшаш йўлини тутишини қатъий талаб қилмоқда, деб мутлақо тўғри фикрни айтгансиз. Инсонлар тинчликда яшай оладиган бўлишлари учун низоли масалаларни куч қўлланиш ёки куч қўлланмоқчи бўлиб дўқ қилиш воситаси билан ҳал қилишдан иборат бўлган ва бизнинг замонамизда ақлга сиғмайдиган иш бўлган сиёсатдан воз кечиш керак.

Агар умумий тинчликни таъминлаш манфаатларини кўзлаб иш қилиниладиган бўлса, бизнинг фикримизча, жаҳонда вужудга келган ҳолатни, яъни капиталистик давлатлар ҳам, социалистик давлатлар ҳам мавжудлигини жуда муайян равишда эътироф қилиш керак. Биз ҳаммамиз шу нарсани ҳисобга олишимиз мумкин эмаски, бу ҳолатни четдан туриб куч билан ўзгартириш, ҳозирги «статус — кво»ни бузиш йўлидаги ҳар қандай уриниш, территорияларни бирон равишда зўрлик билан ўзгартириш йўлидаги ҳар қандай уриниш ҳалокатли оқибатларга олиб келиши турган гап.

Турли давлатлар ўртасидаги муносабатларда нафрат ва зўравонлик сиёсатига йўл қўйиб бўлмайди, деб Сизнинг айтган фикрингиз бизга яхши тушунарли фикрдир. Совет давлати барпо қилинган биринчи кунлардаёқ ўзи эълон қилган тинчлик идеяларига содиқ бўлиб келаётган Совет Иттифоқи ҳамма мамлакатлар билан ҳеч бир ҳаётнинг тинчликда яшашни истайди. Ишонч вазиятини вужудга келтирмоқ учун халқаро вазиятни заҳарлаб келаётган «совуқ уруш»ни тўхтатиш ҳозирги вақтда ҳар қачонгидан ҳам кўра муҳимроқ ишдир.

Шу мулоҳазаларга кўра, Совет Иттифоқи Қўшма Штатлар билан ўзгалик шартномаси тузишни, ҳамма мамлакатлар билан яхши муносабатлар ўрнатишни, ҳарбий блокларни тарқатиб юборишни, ёки НАТО қатнашчилари билан Варшава шартномаси қатнашчилари ўртасида ҳозирданоқ битим тузиб, уларнинг зиммасига низоли проблемаларни фақат тинч йўллар билан ҳал қилиш мажбуриятини юклашни, баъзи мамлакатларда янги урушни пропаганда қилиб, матбуотда ва радио орқали ғапирилаётган ҳар қандай душманлик гапларини тўхтатишни талаб қилиб келди ва ҳозир ҳам талаб қилаётир.

Савдо-сотиқни халқларга фақат иқтисодий манфаатлари етказиб қолмасдан, шу билан бирга халқаро кескинликни юмшатишга ҳам ёрдам бера оладиган қилиб ривожлантириш халқлар ўртасида ишонч ўрнатмоқ учун, гарчи ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмасада, ҳар ҳолда жиддий аҳамиятга эгадир.

Совет Иттифоқи шу нарсага ғоят аминдирки, таҳдид солаётган ҳалокатнинг олдини олмоқ учун ҳали фурсат қўлдан кетган эмас. Ҳамма учун мақбул битимга келишга ҳаракат қилинган тақдирда, зўр бериб қуролланишга хотима бериш мумкин, ҳалол ва тенг ҳуқуқли музокаралар олиб бориш йўли билан, манфаатдор мамлакатларнинг ҳаммаси учун мақбул қарорлар қабул қилиш йўли билан халқаро вазиятни соғломлаштиришга эришиш мумкин.

Сизнинг АҚШ ва Совет Иттифоқи ҳукуматларига инсонпарварлик билан қилган мурожаатингизни Ҳиндистон Республикасининг ва тинчлик ҳамда тараққиёт ишини ҳормайтолмай сидқидил билан ҳимоя қилаётган шахсан Сизнинг халқаро ишларда ўйнаётган жуда катта тинчликсеварлик ролингизни кўрсатувчи янги далил деб юксак даражада қадрлаймиз. Сиз ўз мамлакатингиздаги, шунингдек бошқа мамлакатлардаги жуда кўп одамларнинг фикр ва истакларини ўз мурожаатингизда зўр куч билан ифодалаб бердингиз.

Уруш бошланиб кетиш хавфини даф қилмоқ учун Совет ҳукумати ҳам ўз қўлидан келган ҳамма чора-тадбирларни кўради. Ақл-заковат овози ва бутун дунёдаги миллион-миллион оддий кишиларнинг талаблари ахир бир куни эшитилади ва жаҳонни атом уруши хавфидан абадий қутқарадиган, чора-тадбирлар кўрилади, деб ишонамиз.

Шу мактубни Сизга йўллаш билан мен Совет ҳукуматининг Сиз халқаро кескинликни юмшатишга ва халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ўрнатишга қўмаклашмоқ учун ўзингизнинг бутун нуфузингизан аввалгидек бундан буён ҳам фойдаланурсиз деган умидини изҳор қиламан.

Самимий ҳурмат билан

Н. БУЛГАНИН.

Москва, 1957 йил 10 декабрь.

Кунига 3.685 тонна пахта топшириш—область пахтакорларининг жанговар вазифасидир

☆

Мусобақа илғорларига кўчма Қизил байроқ берилди

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети районлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 6 декабрдан 11 декабргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бекобод районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Каримов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қодиров**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Кушеров, МТСларнинг директорлари **Абдураҳимов** ва **Муҳамаджонов** ўртоқлар) берилди. Бу районда ўтган беш кунликда 4,36 процент миқдорида пахта тайёрланган. Байроқ Мирзачўл районидан олиб берилди. Бекобод районига пахта тайёрлаш ва топширишда намуна кўрсатиб ишлаган колхозчилар ва МТС ишчиларини мукофотлаш учун 3000 сўм пул берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитети **Оҳангарон, Гулистон** ва **Мирзачўл** районларининг пахта тайёрлашдаги яхши ишларини қайд қилдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхозига** (директори **Бойматов**, партия ташкилотининг секретари **Ермилов**, ишчилар комитетининг раиси **Мирзараҳимов** ўртоқлар) берилди. Бу совхоз ўтган беш кунликда 4,32 процент миқдорида пахта тайёрлаган. Байроқ 1-«Далварзин» совхозидан олиб берилди. 2-«Далварзин» совхозига йигим-теримда намуна кўрсатган ишчиларни мукофотлаш учун 3000 сўм пул берилди.

Пахта тайёрлаш ва топшириш юзасидан **1-«Далварзин», «Дружба»** ва **3-«Оҳангарон»** совхозларининг яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

ҚУРУЛТОЙДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИНИ ОЛИШ УЧУН

3-«Боёвут» пахта совхозида Мелибой Жўраев, Худойқул Ҳамдамов каби бригада бошлиқларини совхоз ишчилари ҳурмат қилади. Улар бошлиқ бўлган бригадалар бир неча йил давомида пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажариб келмоқдалар. Бу йил М. Жўраев бошлиқ бригада 86 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан, Х. Ҳамдамов бошлиқ бригада 95 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил топшириб, катта ютуққа эришди.

Бригаданинг Х. Ҳусаинова, К. Бурхонова, У. Ўринбоева, Э. Абдуллаева каби теримчилари мавсумда 16-18 минг килограммдан пахта териб ўз вазифаларини ошириб бажардилар.

Бу бригадалар ҳозир ўз майдонларининг анча қисмини гўзапоядан тозалаб қўйдилар, кузги шудгорни бошлаб юбордилар.

Шунингдек райондаги Жданов номли колхоз аъзолари ҳам маррага яқинлаб қолдилар. Колхознинг Кўчқор Норқўзиев бошлиқ бригадаси 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31,2 центнердан ҳосил олиб, колхозда биринчи бўлиб планни бажарди.

Бу бригадалар Боёвут райони бўйича юқори ҳосил етиштиришда ҳам, планни муддатидан илгари ошириб бажаришда ҳам энг олдинда бормоқдалар. Улар Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг қолган ҳосилни тез кунда йиғиб-териб олиш ҳақидаги қарорига жавобан қўшимча олган мажбуриятларини ҳам ошириб бажараб, пахтакорларнинг Бутуниттифоқ 1-қурултойига қатнашиш ҳуқуқини олиш учун курашмоқдалар.

Юнус ЮСУПОВ,
Усарали ЮСУПАЛИЕВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957 ЙИЛ 12 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
БУСТОНЛИҚ	0,28	114,39
ОРЖОНИКИДЗЕ	0,38	103,96
Юқори Чирчиқ	0,27	93,95
Пискент	0,49	93,49
Урта Чирчиқ	0,34	93,11
Бекобод	0,78	92,56
Гулистон	1,04	89,03
Уртасарой	0,53	88,76
Сирдарё	0,78	88,56
Мирзачўл	0,55	88,34
Янгийўл	0,40	87,04
Верхне-волинск	0,51	86,23
Оҳангарон	0,37	85,64
Бўка	0,36	81,77
Калинин	0,61	80,23
Октябрь	0,26	80,20
Оққўрғон	0,54	79,85
Чиноз	0,42	77,07
Боёвут	0,49	70,78
Қуйи Чирчиқ	0,36	65,49

☆

Пахтанинг намлиги ва ифлослигини аниқлаш учун намуна оладиган шаблон

Бу йил пахта тайёрлаш ҳар қандай об-ҳаво шароитида амалга оширилмоқда. Ана шу хусусиятни назарга олганда, пахтанинг намлиги ва ифслик процентини аниқлаш учун намуна танлаб олишнинг тўғрироқ йўлини топиш зарурати туғилди. Шуни назарда тутиш керакки, колхозлар тайёрлов пунктларига олиб келаётган пахтанинг ҳар бир бўлагида бир неча хил пахта бор. Унинг намлик ва ифлослик даражасини аниқлашда хатога йўл қўймаслик учун намунани тўғри танлаб олиш керак. Бунинг учун қуйидаги мосламадан фойдаланса бўлади (**схемага қаранг**): 1,5Х1,5 метр катталикдаги фанер тахтанинг юзида диаметри 20 сантиметрли тоқ миқдорда юмолоқ тешиклар очилади. Бу фанер тахта (шаблон) пахта ортилган автомашина ёки аравانинг тепасига ёки ён томонига ўрнатилади. Ҳамма тешиклардан намуна учун пахта олинади. Агар тешик қопга тўғри келиб қолса, ўша қопдан намуна олинади.



Шу тариқада намуна учун олинган пахта бир-бирига аралаштирилиб, анализга жўнатилади. Намунага пахта олишнинг бу усули анча холисона бўлиб, кўпинча пахта топширувчилар билан пахта тайёрлаш пунктининг лаборантлари ўртасида чиқиб турадиган келишмовчиликларни битириш имконини беради.

Мажбурият ҳисобига пахта топширилмоқда

Андреев номли, «Ленинизм» колхозлари Юқори Чирчиқ районидаги йирик ва юқори ҳосилли пахтакор хўжаликлардан ҳисобланади. Бу қишлоқ хўжалик артелларининг аъзолари пахта ва бошқа экинлардан тобора мўл ҳосил етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш — шу йўл билан хўжалик экономикасини янада мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар.

Ўз зиммаларига пахтадан мўл ҳосил етиштириш мажбуриятини олган Андреев номли, «Ленинизм» колхозларининг аъзолари пахта тайёрлаш йиллик планини ошириб бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Андреев номли колхоз 730 гектар ернинг ҳар гектаридан 31,5 центнердан, «Ленинизм» колхози ҳам 31,5 центнердан пахта топширди.

Бу колхозларнинг илғор бригада ва звенолари айниқса яхши натижаларга эришдилар. Султонбой Мирзаалиев раҳбарлик қилаётган бригада 91 гектар ернинг ҳар гектаридан 37 центнердан «оқ олтин» топшириб, Андреев номли колхоздаги бригадалар ўртасида биринчиликни эгаллади. «Ленинизм» колхозининг ўртоқ Туроб Ҳамроев бошлиқ бригадаси 76 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан пахта йиғиб олди.

Йиллик планни муваффақиятли бажарган ва шу кунларда мажбурият ҳисобига пахта топшираётган бу икки юқори ҳосилли колхоз аъзолари даладаги кўсакларни тез кунда батамом йиғиб-териб олиш учун ҳаракат қилаётирлар. Шу билан бирга ҳосилдан тозаланган далалар гўзапояси юлиниб кетма-кет шудгор бўлаётир. Пахтакорларнинг Бутуниттифоқ биринчи қурултойига муносиб совға билан бориш учун курашаётган илғор колхозларнинг аъзолари республикамизда йиллик планнинг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшишни ўзаларининг жанговар вазифаси деб билмоқдалар ва шу йўлда зўр ғайрат билан меҳнат қилаётирлар.

Мажбурият олдингми—уни бажар

Гулистон районидаги Сталин номли колхоз пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарди. Шунда колхоз раҳбарлари пландан ташқари яна 380 тонна пахта етказиб бераман, деб колхозчилар номидан мажбурият қабул қилдилар. Орадан кўп ўтмади. Ана шу мажбурият унутиб қўйилди. Фикримизни исботлаш учун қуйидаги фактларни келтирамиз.

Пахта тайёрлаш плани бажарилгунча далада ишлаган колхозчиларнинг сони план тўлдирилгандан кейинги пахта терган кишилар сонига қараганда анча кўп эди. Раҳбарлар хотиржамликка берилганларидан кейин колхозда бўшашувчилик бошланди. Кўп киши теримга чиқмай қўйди, чиққанлари ҳам илгаригидек астойдил ишламади. Натижада кунига 2,5-3 процентдан пахта топшириб турган колхоз суръатни кескин бўшаштириб юборди, кунига 0,4-0,5 процент миқдорида пахта тайёрлайдиган бўлиб қолди.

Суръатни бўшаштириб юборишда М. Тўраев, Э. Тожибоев, Х. Олломуродов, Т. Донийёров ўртоқлар бошлиқ бригадалар «намуна» бўлмоқдалар. Бу бригадалар даласида кўсак жуда кўп. Колхозда шундай фактлар ҳам учрамоқдаки, ҳали ҳосили батамом йиғиб-териб олинмаган далалар шудгор қилиб юборилмоқда. Масалан, ўртоқ Убайдуллаев бошлиқ бригаданинг кўпгина пахта майдони ҳосили тўла териб олинмай шудгор қилинган. Текширишда жуда кўп пахта қолиб кетганлиги, у тупроққа қоришиб нобуд бўлганлиги аниқланди.

Райондаги Тимирязев номли, Фрунзе номли, К. Маркс номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Калинин номли колхозларда ҳам кўсак териш ва уни чувиш яхши уюштирилмаган. Бу колхозларнинг раҳбарлари Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг қолган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш тўғрисидаги қарорида кўрсатилган тадбирларни тўла бажармаётирлар. Тимирязев номли колхознинг раиси ўртоқ З. Нурмуҳамедов катта-катта ваъдаларни беради-ю, лекин уни амалда бажариш учун ишни пухта ташкил этмайди. колхозда тузилган графиклар қоғозда қолиб кетаверади. Колхоз раиси бундан кейин кунига 10 тоннадан пахта топширамиз, деб кўпчиликни ишонтирган эди. Ваҳоланки бирор кун ҳам шунча миқдорда пахта тайёрлангани йўқ.

Йиллик планни энди 70 процент миқдорида бажарган, район сводкасида энг кейинги ўринда келаётган бу колхозда дала ишларига кўпчилик сафарбар этилмаган. Айрим бригадаларда баъзи бир кунлари мутлақо кўсак терилмайди. Колхозда илғорларни рағбатлантириш, улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш йўқ. Яслилар, боғчаларнинг иши тўхтатиб қўйилган. Шунинг учун ҳам болали аёллар ишга қатнашмаётирлар.

Колхозда пахта тайёрлаш плани қониқарсиз бажарилаётгани устига ҳосилнинг кўплаб нобуд бўлишига йўл қўйилётир. Дала йўлларида, хирмонда ва пунктга олиб борадиган кўчаларда кўплаб пахта тўкилиб нобуд бўлмоқда. Шундай бригадалар ҳам борки, уларнинг даласида пахтани чорва моллари тушиб пайхон қилаётганига қарамай, ҳеч ким индамайди. Ўртоқ Д. Холбеков бошлиқ звенонинг 20 гектарли ерида жуда кўп моллар ёйилиб юрибди. Буни бригада бошлиғи Қ. Сафаров ҳам, табелчи ҳам кўриб турибди. Лекин шу молларни ҳайдаб чиқариш, уларнинг эгаларига нисбатан чора кўриш тўғрисида бирор тадбир амалга оширилмаяпти.

Гулистон районида шу куннинг талабига мувофиқ ишлаётган колхозлар ҳам кўп. 1300 гектар пахта майдонига эга бўлган Ленин номли колхознинг пахта далаларида шу кунларда минглан ортиқ киши кўсак термоқда. Терилган кўсак ўз вақтида машина ва қўл билан чувиладётир, пахта сушилкаларда қуритилиб, қабул пунктларига етказиб берилмоқда.

Йиллик пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарган илғор бригадалар—Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусов, Қ. Имомов, Н. Қудратов, Қ. Исмоилов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари мажбуриятни ҳам шараф билан бажариш учун курашаётирлар. «Москва», Крупская номли, «Красный Восток» колхозларининг аъзолари ҳам республикамизда йиллик планнинг бажарилишини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Агар райондаги ҳамма колхозларда ҳам дала ишлари шу хилда пахта уюштирилса, Гулистон райони пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажара олган бўлади.

М. АБДУРАИМОВ.

☆

Чиноз районидаги колхозларнинг илғор бригадаларида

Сталин номли колхознинг Парда Жалилов, Ленин номли колхознинг Аҳмад Пўлатов, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг Х. Лапасов ўртоқлар бошлиқ бригадалари бундан бир неча кун аввал пахта тайёрлаш давлат планларини муваффақиятли бажарган эдилар. Бу бригадаларда шу кунларда ҳам йиғим-терим ишлари давом этмоқда. Сушилкалар ғишт тахт қилиб қўйилганлиги, кўсак териш ва чувиш машиналарининг унумли ишлаши учун зарур шароитлар яратиб берилганлиги туфайли даладаги қолган ҳосил жадал суръатлар билан йиғиб олинмоқда.

Биз Ленин номли колхознинг илғор бригада бошлиғи Меҳри Йўлдошева билан суҳбатлашдик.

— Бригадамиз аъзолари ҳар гектар ердан 34,5 центнердан пахта топширдилар, дейди у, — биз қолган ҳосилни ҳам сира нобуд қилмай териб олиш ва давлатга яна қўшимча равишда 6 тонна пахта топшириш учун курашмоқдамиз.

Чиноз районидаги колхозларнинг бу илғор бригадалари ўз меҳнатлари билан пахта тайёрлаш давлат планининг тезроқ бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

А. ОХУНОВ.

АРТЕЛЬ КОМСОМОЛЛАРИНИНГ ҒАЙРАТИ

Ёғингарчилик кунлари бошланиб далаларда етиштирилган ҳосилнинг бир қисми қор тагида қолиб нобуд бўлиш хавфи туғилган бир пайтда кўпчилик қатори Тошкентдаги «Культкинцпром» артелининг комсомол-ёшлари ҳам алоҳида бригада бўлиб кўсак теришга отланган эдилар.

Колхозчилар ёрдамга келган бу комсомолларни яхши қабул қилиб олдилар. Мамлакатимизга 3 миллион тонна пахта етказиб бериш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига озми-кўпми ўз ҳиссаларини қўшишни мақсад қилиб олган комсомол-ёшлар дастлабки кунларданоқ унумли ишлай бошладилар. У. Зоиров, У. Маҳмудхўжаев, Х. Хасанова, А. Калимуллина сингари ғайратли ёшлар кўсак теришда ғайрат кўрсатмоқдалар.

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз далаларида фидокорона меҳнат қилаётган бу комсомоллардан колхозчилар ва механизаторлар мамнун. Комсомол-ёшлар бригадаси кўсак теришни жадаллаштириш билан колхозларга мавжуд кўсак чувиш машиналарини кечаю-кундуз бир меёрда ишлаб туришини таъминламоқда.

Б. РАСУЛЕВ.

КОЛХОЗДА ҚУРИТИШ-ТОЗАЛАШ ҚОРХОНАСИ

Янгийўл районидаги Ленин номли колхозда йирик механизациялаштирилган қуритиш-тозалаш корхонаси ишга туширилди. Корхона янги машиналар, кучли қуритиш агрегатлари, пневматикалар, пахтани механик усулда қоплайдиган станоклар, чангни тортадиган циклонлар билан таъминланган.

Корхона оддий газ сушилкаларига қараганда сакки баравар кўп пахтани қуритиб тозалайди. Ишлар механизациялаштирилиши, пунктга юборилаётган пахтани тайёрлашни икки ҳисса арзонлаштиради.

Ўзбекистоннинг кўпгина йирик пахтакор хўжаликларида келгуси йилда ана шундай механизациялаштирилган қуритиш ва тозалаш корхоналари қуриш мўлжалланмоқда. (ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957 ЙИЛ 12 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
6-«КУКОРОЛ»	0,48	115,18
3-«Оҳангарон»	0,67	99,00
1-«Далварзин»	0,72	93,53
Киров номли	0,32	90,65
2-«Оҳангарон»	0,40	89,80
«Пискент»	0,37	88,78
2-«Далварзин»	0,77	87,97
«Чанақ»	1,05	85,12
4-«Вревский»	0,42	84,17
«Малик»	0,69	80,60
«Оққўрғон»	0,55	80,58
«Социализм»	0,39	74,75
«Гулистон»	0,42	69,04
1-«Боёвут»	0,46	67,95
3-«Боёвут»	0,70	67,94
«Дружба»	0,30	67,85
«Мирзачўл»	0,33	66,58
1-«Оҳангарон»	—	65,33
«ЎзССР беш йиллиги»	0,36	65,03
1-«Фарҳод»	0,33	58,12
Булганин номли	0,65	57,15
Бушуев номли	0,45	44,19

Тошкентдаги тўқимачилик машинасозлиги заводи янги маҳсулот ўзлаштиришни тобора кенгайтирмоқда. **Суратда:** заводнинг эксперименталь цехида янги ўзлаштирилган РТП — 192-2 маркали пилта тайёрлаш машинаси синаб кўрилмоқда.
Б. **Фомичев** фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Газета ва журналларга уюшқоқлик билан обуна бўлайлик

Газета ва журналларга обуна бўлиш кампаниясининг якунланишига саноқли кунлар қолди. Шаҳарнинг мингларча меҳнаткашлари 1958 йил учун газета ва журналларга обуна бўлишга ҳаракат қилаётирлар.

Шу кунгача Тошкентда газета ва журналларга 9 миллион сўмлик обуна қилинди.

Мамлакатимизда газета ва журналлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Фақат Ўзбекистоннинг ўзида кейинги йилларда ўзбек ва рус тилларида бир қатор янги газета ва журналлар нашр этила бошланди. «Партия турмуши» (ўзбек тилида), «КПСС тарихи масалалари», «Мустақил равишда сиёсий билимини оширувчиларга ёрдам» ва бошқа шунинг сингари янги журналлар ҳам келаси йил 1 январдан бошлаб чиқа бошлайди.

Шу кунларда «Союзпечать»нинг Тошкент шаҳар бўлими марказий ва маҳаллий матбуотларга меҳнаткашларни обуна қилиш ишларини муваффақиятли олиб бормоқда. «Октябрь», «Звезда», «Звезда Востока», «Нева», «Фан ва турмуш» сингари ижтимоий-сиёсий ҳамда адабий-бадиий журналларга, шунингдек, «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» каби республика ва область газеталарига ёзилаётган обуначилар сони ортиб бормоқда.

Шунингдек, рус тилида нашр этилаётган халқ демократияси мамлакатлари журналлари, «Болгария», «ГДР», «Китай», «Дружба», «Чехословакия», «Новая Корея» каби журналларга талаб катта.

Матбуотга обуна қилиш ишлари шаҳарнинг мингдан ортиқ алоқа бўлимлари ва пунктларида олиб борилмоқда. Ҳар йилдагидек, бу йил ҳам почтальонларнинг хонадонларга келиб меҳнаткашларни газета ва журналларга обуна қилиш иши ташкил этилди.

Обуна қилиш кампаниясининг тугалланишига 12 кунгина қолди. Шунга қарамай шаҳардаги кўпгина корхона ва ташкилотлар газета ва журналларга обуна бўлганларича йўқ. Айниқса, пойтахтнинг Октябрь, Ленин, Куйбишев районларида обуна қилиш ишлари жуда суст ўтказилмоқда.

Меҳнаткашларни газета ва журналларга обуна қилишда ҳамда уларни тарқатишда саноат корхоналари, қурилишлар, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг, шунингдек, шаҳар ва район халқ маорифи органлари раҳбарларининг роли катталиги. Улар газета ва журналларга меҳнаткашларни обуна қилишда йўл қўйилаётган баъзи камчиликларни тезда бартараф қилишлари керак.

Г. ЗОЛАТАРЁВ,

«Союзпечать»нинг шаҳар бўлими бошлиғи.

Обод бўлаётган совхоз

«Малик» совхози қишлоғининг қиёфаси йил сайин ўзгариб обод бўлмоқда. Яқинда совхоз марказида артезиан қудуғи қазилиб, 150 хонадонга водопровод қувурлари ўрнатилди. Шунингдек совхоз билан бўлимлар орасидаги йўлларга тош-шағал ётқизилди. Йўлларнинг икки томонига дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Бундан ташқари учинчи бўлимда етти йиллик янги мактаб биноси қурилиб, ишга туширилди. Мактаб керакли жиҳоз ва ўқув қуроллари билан тўла таъминланди. Яқинда қурилган янги ҳаммом ишчиларга хизмат қилмоқда. Шунингдек 1000 ўринли янги клуб биноси фойдаланишга топширилди. Клуб ҳузурида ҳуҳовой оркестр тўгараги ташкил қилинди. Совхозда қурилиш ишлари тез суръатлар билан давом этмоқда.

А. КУЧАРОВ.

КИРОВ РАЙОН МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Пойтахт саноат районлари ўртасида олтинчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақа ўз натижаларини бераётир. Марказий райондан сўнг энг йирик саноат районларидан бири ҳисобланган Киров район меҳнаткашлари 11 декабрда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 1957 йил давлат планини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Райондаги кўпгина корхоналар йиллик топшириқни муддатидан анча илгари бажариб шу кунгача пландан ташқари кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқардилар. Қурилиш материаллари, «Ўзбексельмаш», ремонт экскаватор ва 14-нон заводлари ҳамда бошқа корхоналар 1958 йил ҳисобига ишламоқдалар. Йиллик планни муддатидан 34 кун илгари бажарган Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи шу кунгача пландан ташқари 1200 тадан ортиқ чигитни квадрат-уялаб экадиган сеялка, 120 та ОУН-4 маркали чанглагич-пуркагич машиналар ҳамда 800 минг сўмликдан ортиқ турли хил запас қисмлар ишлаб чиқарди. Машинасозлар йил охиригача пландан ташқари камида 11,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқдалар.

Район саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб йил бошида олинган социалистик мажбуриятдаги 18 миллион сўмлик ўрнига йил охиригача пландан ташқари камида 22 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилдилар. Саноат корхоналарида олинган ана шу мажбуриятни ҳам-шараф билан бажариш учун бошланган социалистик мусобақа тобора қизғин тус олмоқда.

ИЛҒОРЛАР САФИ ҚЕНГАЙМОҚДА

Коллективимиз иш суръатини ошириш ва шу асосда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун курашиб, яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Завод ишчилари 11 ойлик давлат планини муддатидан анча илгари бажарган эдилар. Ҳозир эса йиллик планни бажариш арафасида турибмиз.

Мавжуд имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланиш ҳамда илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш натижасида шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида пландан ташқари 2 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Коллектив ўртасидаги мусобақада ҲПСС аъзоси ўртоқ Б. Болдирев бошчилик қилаётган 3-бригада аъзолари айниқса яхши натижаларга эришмоқдалар.

Коллективимиз ўртасида илғорлар сафи тобора кенгаймоқда. Имомалиев, Таганов, Шайдақов каби смена топшириғини системали равишда 140-160 процентга етказиб бажараётган ўртоқлар ана шулар жумласидандир.

Ш. ЙЎЛДОШЕВ,
Алимкент ёғ заводи партия ташкилотининг секретари.

Ташаббускор мастер

Тушки овқат пайти. Заводнинг қуюв цехида ҳеч ким йўқ. Тонг қорорғисидан бери тинмай ишлаган қолиплаш машиналари ва бошқа механизмлар ҳам тиниб, дам олаётгандай. Қолипга қолинадиган махсус қум-тупроқ тўлдирилган каттакатта бункерлар формалаш машинаси устида савлат тўкиб турибди.

Цехга ҳаммадан олдин участка старший мастери Шароф Қосимов кириб келди. У, формалаш машиналарини, сўнгра бункерларни биринкетин синчиклаб кўздан кечириб чиқди. Бункерларни текширар экан, ўзича: «Яна ўша гупур-гупур, яна қанчадан-қанча вақт йўқотиш», — деб тажанг бўлди Шароф. У қандай қилиб бункерлар ишини осонлаштириш тўғрисида бош қотириб ўтирганида, участка ишчилари биринкетин етиб келишди. Тушки дам олиш вақти тамом бўлди. Ишчилар ўз жойларига туриб, ишни бошлаб юбордилар.

Сменада яна иш бошланган бўлса ҳам, формалаш машиналарининг қулоққа таниш овози эшитилмасди, фақат тартибсиз гупур-гупур зарб товушлари эшитиларди. Формаловчилар овқат пайтида бункернинг қўйиш тешигига тўлиб қолган қум-тупроқни босқон билан уриб туширмоқда эдилар. Улар 10-12 минут шу тарзда ишлаб бункерни тозалагач, формалаш машиналари ишга тушди, демак, 12 минут вақт йўқотилди.

Мастер Қосимов ҳар куни икки маҳал мана шундай бункерни тозалаш пайтида тажанг бўлиб қоларди. Босқоннинг ҳар бир зарбининг овози ва минутларнинг бефойда ўтиши унинг фиғонини оширарди. У: «Қум-тупроқнинг бункер оғзида туриб қолишидан ва уни оддий усулда босқон билан уриб туширишнинг туфайли участка бўйича ҳар куни 20 соатдан, ойига эса 500 соат иш вақти йўқотилади! Бунинг устига бункерлар ҳам тез бузилади ва тез ишдан чиқади. Қандай қилиб бўлса ҳам, бунинг олдини олиш керак», — деб цех бошлиғига, цех технологига бир эмас, бир неча марта қуйинди гапирган. Бироқ ҳолис истак билан иш яхшиланмади. Шароф Қосимовнинг ўзи ва бошқа рационализаторлар бу тўғрида кўп бош қотиришди, лекин ҳадеганда қутилган натижага эришиб бўлмади.

Яқинда Горький автомобиль заводига ўзаро тажриба алмашиш учун борган бригада составида Қосимов ҳам бор эди. Ҳайрлашар экан, завод бош инженери ўртоқ Лабор Шарофга:

— У ердан, айниқса уларнинг қуювчиларидан кўп нарсаларни ўрганиш мумкин, биз учун янгилик бўладиган ҳамма нарсани эътибор билан ўрганинг, ишлаб чиқариш процесси билан чуқур танишинг; нимага аҳлингиз етмаса, тортинмай мутахассислардан сўранг, пухта ўрганмагунча қўйманг, — деб қайта-қайта тайинлади.

Горький шаҳрига борғач, Қосимов худди шундай қилди. Автомобиль заводининг қуюв цехида бункерда туриб қолган қум-тупроқни босқон билан уриб туширилмас экан, балки бир неча секунддаёқ вибратор воситаси билан туширилар экан. Мастер Қосимов бу янгиликни қувонч билан ўрганди, бункерларга ўрнатилган вибраторларнинг иш принципини синчиклаб кузатди, бунга тегишли чертёжлар ва бошқа технологик ҳужжатларни билиб олди.

Тошкентга, ўз заводига қайтиши биланоқ мастер Қосимов горькийликлардан ўрганиб келган янгилигини амалга оширишга киришди. Корхона ва цех раҳбарлари уни қўллаб-қувватладилар ва бункерларга вибратор ўрнатишни ташкил этишни унинг ўзига юкладилар. Шароф олиб келган техника ҳужжатлари асосида тегишли участкаларга заказлар буюрилди. Зарур деталларни унинг ўзи қуйди. Бу деталларга механик ишлов беришда, уларни йиғишда шахсан контролик қилиб турди. Бир неча кунда янги вибраторнинг тажриба нусхаси тайёрланди ва йиғилди. Уни монтаж қилиб бўлгунча Шароф кечани-кеча, кундузни-кундуз демай цехда қолиб кетди. У ўзи бошчилигида жорий этилаётган муҳим янгиликнинг тезроқ натижа бериб, қуювчиларни хурсанд қилишини орзиқиб кутарди.

Ниҳоят монтаж ишлари тамом бўлди. Мастер Қосимовнинг ўзи бункернинг ҳаво клапанини очди. Шу зоҳотиёқ қолипга қуйиладиган қум-тупроқ бункердан формалаш машинасига тезда сирғаниб тушиб кетди. Шароф Қосимов қувонч нурлари чақнаб турган кўзини жовдиратар экан, мамнуният билан хўрсиниб қўйди. Унинг бир неча кундан бери қилган тинимсиз меҳнати ўз самарасини берди. Ҳамма қуювчилар бу янгиликдан хурсанд бўлдилар. Айниқса босқон урадиган ишчиларнинг қувончи ичига сиғмасди.

Биринчи бункерда ўтказилган тажриба яхши натижа бергач, бошқа ҳамма бункерларга ҳам вибратор ўрнатилди. Эндиликда бункерга ёпишиб қоладиган қум-тупроқ босқон воситаси билан эмас, балки қисилган ҳаво кучи билан туширилади-ган бўлди. Натижада бир неча ишчи оғир меҳнатдан озод қилинди, бункерлар кўпга чидайдиган бўлди, ниҳоят, энг муҳими — бу ишга сарфланадиган 10-12 минут вақт тежалди.

Шароф Қосимов «Ўзбексельмаш» заводида 16 йилдан бери ишлайди. Шундан бери ўтган вақт ичида у, завод коллективи ўртасида тиришқоқ ишчи, доим янгиликка интилувчи актив рационализатор сифатида танилди. У оддий шогирдликдан мутахассис ишчи ва, ниҳоят, тажрибали мастер бўлиб етишди. Унинг кўзи ўнгида ва унинг актив иштироки билан цехнинг қиёфаси ўзгара борди.

Бундан бир неча йил олдин ёпиқ горизонтал конвейерлар ва бункерлар йўқ эди. Уларнинг функциясини формаловчилар қўл кучи билан бажарардилар. Шарофнинг ўзи қум-тупроқни формалаш машинасига белкурак билан ташлар эди. Эндиликда цехдаги ҳамма ишлар механизациялашган, қўл кучи билан бажариладиган иш жуда оз қолган. Улар ҳам кун сайин камайтирилмоқда. Мастер Шароф Қосимов бошчилигидаги формалаш участкасининг коллективи техникани тараққий эттириш учун курашда бошқаларга ўрнак бўлаётир. Улар пахтакорлар заказларини тез ва сифатли бажариш учун ҳамма имкониятларини ишга солмоқдалар.

К. ФИНАНСОВ.

«Ўзбексельмаш» заводи партбюроси секретарининг ўринбосари.

Ер сунъий йўлдошларининг ҳаракати тўғрисида

12 декабрь эрталаб соат 6 га қадар Ернинг иккинчи сунъий йўлдоши Ер атрофини 545 марта айланиб чиқди. Биринчи сунъий йўлдош шу вақтга қадар — 1037 марта айланиб чиқди.

Ҳаво очиқ бўлганда Ернинг иккинчи сунъий йўлдошини қуёш чиқиш олдидан шимолий кенгликнинг 20 градусидан 45 градусигача ва қуёш ботгандан кейин жанубий кенгликнинг 0 градусидан 20 градусигача оддий кўз билан кўриш мумкин бўлади. (ТАСС).

Хитой ва СССР фанини ривожлантиришда муҳим давр

11 декабрда Москвада Хитой Халқ Республикаси Фанлар академияси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Фанлар академияси ўртасида илмий ҳамкорлик тўғрисида тантанали вазиятда битим имзоланди.

СССР Фанлар академияси президиумининг конференц-залида Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясининг ва СССР Фанлар академиясининг делегациялари тўпланди. Халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси Доимий комитети раисининг ўринбосари, Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясининг президенти Го Мо-жо бошчилигидаги Хитой делегацияси составида Хитой Халқ Республикаси Фанлар академияси бош секретарининг ўринбосари Ду Юнь-шэн, Хитой Халқ Республикаси Фанлар академияси физиология институтининг директори Фин Дэ-пэй ва бошқалар бор.

Совет томонидан СССР Фанлар академиясининг президенти академик А. Н. Несмеянов, СССР Фанлар академиясининг вице-президентлари И. П. Бардин ва К. В. Островитянов, СССР Фанлар академияси президиумининг бош илмий секретари А. В. Топчиев, бош илмий секретарининг ўринбосари Н. М. Сисакян ҳозир бўлдилар.

СССР Фанлар академиясининг президенти А. Н. Несмеянов Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясининг президенти Го Мо-жо бошчилигидаги делегацияни кейин нутқ сўзладилар.

* * *

Хитой Фанлар академияси билан СССР Фанлар академияси ўртасида илмий ҳамкорлик тўғрисида битим беш йил муддатга тузилди. Унда биргаликда тадқиқот ишлари олиб бориш ва экспедициялар ўтказиш, фан ва техниканинг энг муҳим проблемалари юзасидан, шунингдек ҳар иккала томонни қизиқтираётган бошқа илмий масалалар юзасидан олиб бориладиган ишларни мувофиқлаштириш кўзда тутилади.

Беш йиллик битимдан ташқари яна Хитой Фанлар академияси билан СССР Фанлар академияси ўртасида илмий ҳамкорлик тўғрисида 1958 йил учун протокол ҳам имзоланди.

Хитой билан СССРнинг қардошларча Иттифоқи ҳамда ҳар икки мамлакат олимларининг ижодий ҳамкорлиги муқаддас мақсадга — бутун дунёда тинчлик ишининг ғалабасига, инсониятнинг тараққиёти ва бахт-саодатига қаратилгандир.

(ТАСС).

Халқаро обзор

СОВЕТ-ЯПОНИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

Яқинда бизнинг матбуотимизда Совет-Япония муносабатларини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган икки ҳужжат эълон қилинди. Ғап, Совет Ҳукуматининг Япония Ҳукуматига юборган нотаси ҳамда СССР билан Япония ўртасида Савдо шартномаси ҳамда товар обороти ва тўловлар тўғрисида битим имзоланганлиги ҳақидаги хабар устида бораётир.

Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, Узоқ Шарқдаги вазият Совет-Япония муносабатларининг характерига ва аҳволига кўп жиҳатдан боғлиқдир. «Биз давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар яхши негизда ривожланишини ҳамда дўстона муносабатларга айланиб кетишини чин кўнгилдан истаймиз, — деган эди Н. С. Хрущев Яппониядаги «Асахи Симбун» газетасининг бош редактори Томоо Хироока билан қилган суҳбатида.

Шак-шубҳа йўқки, СССР билан Япония ўртасида тузилган Савдо шартномаси шу мақсадга эришишга ёрдам беради.

Тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик принципи асосида тузилган шартномага мувофиқ, СССР билан Япония бир-бирларига ўз экономикаларини ривожлантириш учун зарур бўлган товарларни етказиб берадилар. Японияда СССРнинг савдо ваколатхонаси таъсис этилади. Савдо шартномасида ҳар иккала томоннинг савдо муносабатларида ва кемалар қатновида бир-бирларига энг кўп қулайлик бериши кўзда тутилади. Совет-Япония Савдо шартномаси Япония учун алоҳида аҳамиятга эга, чунки унинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлайди. Япония ўзининг Америка Қўшма Штатлари билан бўлган муносабатларида бу иқтисодий мустақилликдан маҳрум этилган.

Шартноманинг имзоланишини Япония аҳолисининг кенг оммаси ҳам, сиёсий ва савдо-саноат доиралари ҳам зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Музокараларнинг муваффақиятли тамомланганлиги — мамлакатимиз ўтказиб келаётган тинч тотув яшаш сиёсатининг ғалабасидир.

Совет Ҳукуматининг Япония Ҳукуматига юборган нотаси ҳам бу сиёсатга қўшилган ҳиссадир. Нотада атом ва водород қуроли қўлланишни тақиқлаш тўғрисидаги масала юзасидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги Япония делегациясининг тутган позицияси қараб чиқилади. Хиросима ва Нагасаки даҳшатларини бошидан кечирган ҳамда АҚШ томонидан Тинч океанда тажриба мақсадида ўтказилаётган атом портлатишларидан зарар кўрган япон халқи атом қуролидан қандай оғир зарар кўрганлиги маълум. Шундай бўлишига қарамай, БМТдаги Япония делегацияси ҳақиқатда Ғарб давлатларининг — АҚШ, Англия ва Франциянинг позициясини қўллаб-қувватламоқда. Ғарб давлатлари эса атом қуроли синовларининг тўхтатилишига қаршилик кўрсатмоқдалар. Улар шу мақсадни кўзлаб, жумладан, атом синовларининг тўхтатилишини қуролсизланишга доир бошқа масалаларнинг ҳал этилишига боғлиқ қилиб қўймоқдалар.

Япония жамоатчилиги атом қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги масалада Япония делегациясининг тутган позициясидан кўпдан бери норози бўлиб келмоқда. Масалан, 15 ноябрда Японияннинг 242 йирик олими баёнот имзоладилар. Бу баёнотда улар Япония ҳукумати ядро қуроли синовларининг сўзсиз ва дарҳол тўхтатилишига эришиш учун ҳаракат қилсин, деб талаб этадилар. «Биз ҳукуматни, — деб ёзадилар олимлар, — ядро қуроли синовларини тақиқлаш билан қуролсизланишга доир умумий проблема ўртасидаги боғланиш ҳақидаги масалада бемаъни позициядан воз кечишга даъват этамиз». Кўпгина сиёсий арбоблар БМТдаги Япония делегацияси атом синовларини тезликда тўхтатиш масаласида совет делегацияси билан маҳкам алоқа боғласин, деб талаб қилмоқдалар. Япония делегациясининг атом синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масалани қуролсизланишга доир бошқа масалаларга Ғарб давлатлари боғлиқ қилиб қўймоқдалар.

СССР ва Япония атом синовларининг тўхтатилишидан манфаатдордирлар. Ҳар иккала мамлакатнинг БМТда бу масалани ҳал этиш фойдасига биргаликда ҳаракат қилиши тинчликни мустаҳкамлашга ва СССР билан Япония ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга ёрдам берган бўлур эди.

ҒАРБИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИДА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ КУРАШИ

Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари Кенгашининг Декларациясида капиталистик давлатлардаги ишчилар синфи империализм ва монополиялар сиёсатига тобора қатъий қарши чиқмоқда, ўз турмуш шароитларининг яхшиланиши учун, демократик ҳуқуқлар учун, тинчлик ва социализм учун курашмоқда, деб таъкидланади. Ҳаёт ишчилар синфининг бу кураши кучайиб бораётганлигини кўрсатувчи янгидан-янги далилларни олиб келмоқда.

Францияда ҳукмрон доиралар Жазоирда мустамлакачилик уруши олиб бориб, мамлакатни молиявий кризисга олиб келдилар. Улар бу кризисдан қутилиш йўлини қидириб, яқинда Францияда 130 турли саноат товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларини оширдилар. Ишчилар турмуш шароитининг ёмонлашувига забастовка кураши билан жавоб бермоқдалар. Турмуш шароитини яхшилаш тўғрисидаги ўз талабларини қувватлаб, Кале тўқимачилари, савдо флотининг 35 минг денгизчиси, Каркассон шаҳридаги пойафзал фабрикаларининг ишчилари, Гавр ва Вениссье металлистлари иш ташладилар; давлат муассасалари ходимларининг стачкаси бошланиб, бир миллиондан ортиқ кишини ўз ичига олди. Бундан бирмунча вақт илгари 200 минг шахтёрнинг забастовкаси ва темир йўлчиларнинг умумий забастовкаси бўлган эди.

Англияда ҳам синфий жанглар кучайиб бормоқда. Баҳорда иш ҳақининг 10 процент оширилишини талаб қилган 1 миллион 700 минг машинасоз ва кемасозларнинг забастовкаси мамлакатни ларзага келтирган эди. Июль ойида автобус транспортининг 100 минг ишчиси иш ташлади. Англиянинг расмий маълумотларига кўра, шу йилнинг дастлабки 9 ойи мобайнида забастовкалар сабабли саккиз миллиондан ортиқ ишчи куни бекорга кетган, бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тўрт баравар ортиқдир. Забастовкаларнинг асосий сабаби — қимматчиликнинг ўсиб бораётганлигидир. Кейнинги йилнинг бир ўзидагина Англияда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари — гўш, сут, крупа, тухум ва бошқа маҳсулотларнинг нархи 10-20 процент ошди, квартира ҳақи эса 14 процент ошди.

Италияда меҳнаткашларнинг синфий кураши кескин тус олди. Унда ишчилар билан бир қаторда батраклар ва ерсиз ҳамда кам ерли деҳқонлар оммаси ҳам ўз аҳволининг яхшиланиши учун курашмоқда. Шу йил ёзда деҳқонларнинг ҳар хил чиқишларида 8 миллиондан ортиқ киши қатнашди. 2 ва 3 декабрда яна икки миллион батрак ва қишлоқ хўжалик ишчилари забастовка эълон қилиб, иш ҳақининг оширилишини талаб этдилар. Саноат корхоналаридаги ишчиларнинг забастовка ҳаракати кучаймоқда. Ноябрь ойида Триест кемасозлари ва металлистлари, кондитер саноати ишчилари, қоғоз саноати ишчилари забастовка қилдилар.

Ғарбий Европа мамлакатларида меҳнаткашларнинг стачка ҳаракати кучаяётганлиги — тинчлик ва тараққиёт кучларининг ўсаётганлигини кўрсатувчи далилдир.

А. ШАТИЛОВ.

ХИТОЙ РЕВОЛЮЦИОН ҲАРАКАТИНИНГ ТАРИХИДАГИ ШОНЛИ ВОҚИА

ПЕКИН, 11 декабрь. (ТАСС). Бугун Хитой халқи Гуанчжоуда (Кантон) гоминданчи реакцияга ва чет эл империалистларига қарши ишчи ва солдатларнинг қуролли қўзғолони бошланган кунининг 30 йиллигини нишонламоқда. Гуанчжоудаги қўзғолон Хитой революцияси тарихига Кантон коммунаси номи билан кирди. Кантон коммунаси узоқ яшамади — 14 декабрдаёқ гоминданчи қўшинлар АҚШ Англия ва Япония империалистларининг ёрдами билан бу қўзғолонни бостиришга муваффақ бўлдилар.

Гуанчжоудаги қўзғолон Хитой революциясининг шундан кейинги бутун ривожланишига гоят катта таъсир кўрсатди.

Бугун «Жэньминьжибао» газетаси бу шонли воқиага бағишланган мақолада бундай деб ёзади: Хитой Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида хитой халқининг ташқи ва ички реакция устидан қозонган ғалабаси «Кантон қўзғолони кунларида ҳалок бўлган қаҳрамонлар ва ватанпарварлар қурган асосда ўсди» Газета «Хитой халқи революция ишининг тантанаси учун ўз жонларини фидо қилган қаҳрамонларнинг хотирасини абадий сақлайди, бу қўзғолоннинг буюк сабоқларини ҳеч қачон эсдан чиқармайди» деб ёзади.

И. ҚАЛАНДАРОВ.

БЎЛГАН ВОҚИА

ИЗМА-ИЗ

«Москвич» тўхтади. Унинг ёнига терговчи Григорьев билан участковой Шорахмедов тўппончани ўхталиб келдилар. Машинадан шофер ва унинг ёнида ўтирган кимса чиқди. Терговчи Григорьев машинанинг чирогини ёқиб ичига қаради. Унда яна бир кимсанинг маст ётганини кўрди. Уни гортқилаб машинадан чиқардилар. Маст киши оёғида тура олмасдан, нима воқиа бўлганини биролмай алжиллаб турарди. Бу ерга Шарипов яқинлашиб келди ва маст кимсанинг ўша мол олган муттаҳамлардан бири эканлигини таъкидлади. «Москвич» машинанинг шофери ва пассажирлари тинтув қилинганда уларнинг ҳар қайсиси ёнидан 2-3 мингдан пул чиқди, бошқа нарса топилмади, аммо Бердибеков шиминнинг соат чўнтагидан паспортдан кўчириб олинган сурати чиқди.

— Бу қандай сурат?

— Менки,—деб довдиради Бердибеков.

Бу орада участковой Шорахмедов машинанинг орқасидаги юк соладиган жойдан бир қанча молларни туширди. Шарипов моллар олдига келди ва «булар бизнинг моллардан» деб таниди.

Бердибеков билан бу жойда сўзлашиб ўтиришнинг фойдаси йўқ эди, чунки у ўзини билмайдиган даражада каттиқ маст эди.

ЖИНОЯТ УСТИГА ЖИНОЯТ

Қуёш энди нурини ёя бошлаган пайтда Киров районига етиб келиндик. Бердибеков йўл-йўлакай машинада чилпалчин бўлиб ухлаб келди, уни энди машинадан тушириб вақтинча қамоқхонага киритилиб кўйилди. Григорьев, Шорахмедовлар Киров район милицияси қидирув бўлими ходими Олчинбоев билан Бердибеков уйига тинтув қилиш учун бордилар. Тинтув натижасида Тошкент посилторг базасидан олинган моллардан 60 минг сўмлик миқдорида топилди. Бундан ташқари яна бир неча той ҳар хил сатин, читлар, креп-дешин, трикотаж буюмлар, қариб 100 минг сўмлик турли моллар чиқди. Бердибековнинг хотини безрайиб нима дейишини билмаслан турар эди.

— Бу моллар қаёқдан келган? — Григорьев Ойшадан сўради.

— Билмадим.

— Нега билмайсиз? Уйингизга келтирилган молларни билмайсизми?

— Эримнинг ўртоғиники.

— Фамилияси нима, қаерда ишлайди?

— Илгари Махтали совхозининг рабкоопида ишлар эди, бундан 3-4 ой илгари у ердан бўшатилган. Фамилиясини билмайман. Исми Тоғман.

— Абдурауф денг? — деб сўради участковой Шорахмедов.

— Шундай бўлса керак.

— Қаерда туради?

— Билмайман. У маълум олам. Анавилар билади, — деб Қосимбетова Киров район милиция бўлимининг қидирув бўлим ходимига ишора қилди.

Григорьев Олчинбоевга қаради. У бўлса «билмайман» деб бошини қимирлатди. Шу орада Бердибеков ҳовлисига бир қоп нарса ортган отлиқ кириб келди. У отдан тушар экан, посилторг базасининг склад мудири Шарипов:

— Ана, ўзи ҳам келиб қолди, — деди суюнганидан.

Григорьев «Абдурайимов» деб фамилиясини атаган эди, у сезиб қолди шекилли, сакраб яна отга миниб қочмоқчи бўлди. Аммо ҳовли бурчида турган Шорахмедов тўппончасини ялангочлаб буюрди:

— Туш отдан!

— Мен нима қилдим. Мен... мен..., — деб довдирай бошлади Абдурайимов.

Тергов қоидаси бўйича тинтув қилинаётган жойга ким келса киритилиши мумкин. Лекин тинтув тамом бўлмагунча сўроқсиз чиқиб кетиш мумкин эмас. Участковой Шорахмедов Абдурайимовни ҳовлига киритиб унинг ҳаракатларини кузатиб борар эди. Шунинг учун унинг қочишига йўл қўймади. Абдурайимовни шахсий тинтув қилиниб, ёнидан паспорти олинди. Бу паспорт Қосимбетов паспорти бўлиб, унинг сурати ўрнига Абдурайимовнинг сурати ёпиштирилган эди. Абдурайимов келтирган бир қоп моллар ичида Тошкент посилторг базасидан олинган моллар йўқ эди. Аммо бу моллар қаердан олинганлигини аниқлаш учун Григорьев шошилди. У тезликда тинтув ҳужжатларини расмийлаштиргандан кейин Абдурайимовни Киров район милиция бўлимига олиб келинди.

Дастлабки сўроқдаёқ Абдурайимов айбларнинг қандай содир бўлганини айтаберди.

— Мени ишдан бўшатганларидан кейин беиш юрар эдим. Шу кунларда Сайдулла қамоқдан бўшаб келди. Биз қалбаки ҳужжатлар билан Тошкентга бориб посилторгдан моллар олдик.

— Ундан кейинчи?

Орадан бир ой ўтди. Ҳеч ким воқиани суриштирмади. Иш ўнгидан келиб, жимжит бўлиб кетди. Бундан фойдаланиб, биз ўша паспортдан Сайдулланинг суратини олиб ташлаб менинг суратимни ёпиштирдик. Чимкентга бориб, область матлубот жамияти базасидан яна 200 минг сўмлик молни олиб келдик.

— Қани моллар?

— Сотдик. Баъзиларини магазинларга арзон-гаров сотиб бериш учун топширдик.

Жанубий Қозоғистон областининг матлубот жамияти базасидан 200 минг сўмлик молларни қалбаки ҳужжатлар билан олинганлиги ва жиноятни очиш йўлида Чимкентдаги милиция ходимлари ва Қозоғистон республика милициясининг қидирув бўлими ходимлари бирмунча ишлар қилаётганлари ва шу кунгача жиноятнинг изи топилмаётганлиги аниқланди. Энди, ишонч қоғози бланкаларини қандай қилинганлиги ва уни қайси йўсин билан расмийлаштирилганлиги, молларни олаётганда кимлар ёрдам бериб, сотаётганда кимлар ҳамкорлик қилганликларини терговнинг натижаси кўрсатади. Изма-из юриш натижасида бундай чигал жиноят узоққа чўзилмай очилди, бунинг кетидан яна бир қанча жиноятлар очилмоқда.

Тергов натижасида шу нарса маълум бўлдики, фирибгарлар молни «ЕК-56-71» машинасида эмас, «ЕХ-55-71» такси машинасида олиб чиқиб кетганлар. Посилторг базасининг бош бухгалтери Яшников ўз аниқлигини хаспўшлаш учун «машина номерини ўз кўзим билан кўрган эдим», деб ёлғон гапирган.

Тергов давом этаётир.

(ТАМОМ).

Боши газетанинг 7, 10 ва 11 декабрь сонларида.

Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг мажлиси

БЕРЛИН, 11 декабрь. (ТАСС). Бугун Берлинда Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг мажлиси очилди. Мажлисда меҳмон бўлиб Берлин корхоналари ва муассасаларининг меҳнаткашлари, дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари ва ходимлари, чемис ва чет эл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Мажлиснинг кун тартибига коммунистик ва ишчи партияларнинг Тинчлик манифести тўғрисида ҳукумат баёноти, ГДР Халқ палатаси делегациясининг Венгрия Халқ Республикасига ва Болгария Халқ Республикасига қилган сафари тўғрисидаги докладлар, бир қанча қонунларни, шунингдек Мўғулистон Халқ Республикаси билан, Польша Халқ Республикаси ва Венгрия Халқ Республикаси билан тузилган шартномаларни муҳокама қилиш масалалари киритилди.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг Тинчлик манифести тўғрисида ҳукумат баёноти билан ГДР бош министри О. Гротеволь сўзга чиқди.

Сукарнонинг Сурабайядаги митингда сўзлаган нутқи

ЖАКАРТА, 11 декабрь. (ТАСС). Бугун Сурабайяда бир неча юз минг киши иштирок этган митингда республика президенти Сукарно Индонезия халқининг Ғарбий Ириани озод қилиш йўлидаги кураши ҳақида нутқ сўзлади.

Сукарно, Индонезия халқи Ғарбий Ириани Индонезия билан қайта бирлаштириш учун курашда албатта ғалаба қозонади, деди. Бу кураш, деди у, ҳаққоний курашдир, ҳаққоний кураш эса ғалаба билан тугалланади. Сукарно айтдики, гарчи Индонезия Ғарбий Ириан тўғрисидаги резолюция юзасидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотида овозларнинг учдан икки қисмини олмаган бўлса ҳам, уни 42 мамлакат қўллаб-қувватлади. Бу мамлакатларнинг аҳолиси эса бутун дунёдаги аҳолининг ярмисини ташкил этади. Сукарно, гарчи БМТда вакили қатнашмаётган бўлса ҳам, аҳолисининг сони 600 миллион кишини ташкил этган Хитой Халқ Республикаси ҳам Индонезияни қўллаб-қувватламоқда, деб ўқтириб ўтди.

Сукарно, Ғарбий Ириан тўғрисидаги масалани БМТда эмас, Гаага ёки Вашингтонда ҳам эмас, балки фақат Индонезиянинг ўзидагина ҳал этиш мумкин, деди.

Покистон ҳукумати истеъфо берди

КАРАЧИ, 11 декабрь. (ТАСС). Покистон ҳукуматининг информация хизмати Чундригар ҳукуматининг истеъфо берганлигини бугун эрталаб расмий равишда эълон қилди.

Матбуот ва информация департаментининг ахборотида бундай дейилади: Коалицион ҳукумат республикачи партиянинг алоҳидалаҳида сайлов системасини қўллаб-қувватлаши тўғрисида бу партия билан келишиш асосида тузилган эди. Республикачи партия бу битимдан воз кечганлиги сабабли бош министр Чундригар бугун эрталаб ўз кабинетининг истеъфоси тўғрисда президентга ариза топширди. Президент Чундригарга бош министр лавозимида қолишни таклиф этди ва унга янги ҳукумат тузишни топширди. Чундригар президентнинг таклифини қабул қилди.

ҲАРБИЙ ВАСВАСАНИ АВЖ ОЛДИРИШ ДАЛЛЕС СИЁСАТИНИНГ АСОСИ БЎЛИБ ҚОЛДИ

Даллеснинг матбуот конференцияси

ВАШИНГТОН, 10 декабрь. (ТАСС). Бугун АҚШ давлат секретари Даллес матбуот конференцияси ўтказди. Бу матбуот конференцияси деярлик тамомила НАТО кенгашининг 16 декабрда Парижда очиладиган сессиясига бағишланди.

Бу сессиянинг аҳамияти тўғрисидаги саволга жавоб бериб Даллес, Америка ҳукуматининг фикрича, НАТОни давом эттириш зарур деган ҳисни тиклаш ва НАТО аъзолари бу иттифоқнинг муҳимлигини англаб олишлари бу сессиянинг энг муҳим натижаси бўлур эди, деди.

Даллеснинг сўзига қараганда, аҳвол шундай бўлиб қолдики, бу аҳвол қийинчиликларни енгишга ва НАТОга жон киритишга ёрдам бера оладиган махсус чоралар кўришни талаб этади. АҚШ, деди Даллес, НАТО сессияси НАТО аъзоси бўлган мамлакатлар ҳукуматларининг бошлиқларига НАТОнинг бирлигини бузмасдан туриб, ўзлари у ёки бу сиёсий проблемаларни ҳал қилишлари лозимлигини тушуниб олишлари «соҳасида етарлик равишда кучли таъсир ўтказади, деб умид қилади. Бироқ, Даллес ўзининг шу фикрига зид бўлган ҳолда, ҳозир НАТОда кризис йўқ, деб лаъво қилди. Даллес НАТОнинг зарурлигини ва уни «пишиқ ташкилотга» айлантириш кераклигини айтиб, бу сафар ҳам, СССРнинг ўсиб бораётган ҳарбий қуввати таҳдид солаётир, деган ўзининг одатдаги ўйдирма гапларини такрорлади. Бироқ, Даллеснинг гапларидан маълум бўлишича, у, НАТО бирлиги ҳиссини тикламоқ учун сиёсий соҳада кўрилиши лозим бўлган ҳеч қандай конкрет тадбирларни таклиф қила олмади. Даллеснинг матбуот конференциясида айтган гапларидан маълум бўлишича, АҚШ Европа қитъасида ракета қуролини жойлаштирмоқ учун базалар қуриш планларини НАТО бирлигини тиклайдиган воситa, деб ҳисобламоқда. Даллеснинг сўзига қараганда, Пентагон (мудофаа министрлиги) Европа қитъаси территориясида шундай базалар қуриш «фойдали» бўлур эди, деб ҳисоблайди.

Даллес НАТОнинг сиёсий «бирлиги» проблемасини шарҳлаб, Қўшма Штатлар НАТОдаги ўз иттифоқдошларининг миллий суверенитетини чеклашга интилаётганлигини инкор қилишга уринди. Даллеснинг гапига қараганда, НАТОда қатнашувчи мамлакатларнинг суверенитетини чеклаш тўғрисида фақат шу маънода гапириш мумкинки, бу мамлакатлар «умумий мудофаа» манфаатларини кўзлаб ҳарбий соҳадаги ўзларининг куч ва ғайратларини бирлаштиришга «эркин равишда» интилаётган эмишлар. Бироқ, Даллес эътироф қилиб айтдики, «бир-бирига боғлиқлик концепцияси» НАТОда қатнашувчи мамлакатларнинг суверен сиёсатини «умумий манфаатларга» бўйсундиришни тақозо қилади.

Шу муносабат билан у дедики, АҚШ НАТОда қатнашувчи мамлакатлар Париждаги кенгашдан кейин ўз сиёсатларини «умумий манфаатлар бирлиги»ни бузмайдиган қилиб ўтказадиган бўладилар, деб умид қилади. Шу билан бирликда, Даллеснинг НАТОда сиёсий консультацияларга ўтказиб туриш деган масалага доир айтган гаплари АҚШ ўз иттифоқчиларидан «умумий манфаатлар» учун миллий суверенитетни чеклашни талаб қилаётган бўлса ҳам, лекин ҳақиқатда АҚШнинг НАТОдаги ўз иттифоқчиларига тегишли манфаатлар тўқнашадиган районларда юргизаётган ўз сиёсатини ҳақиқатда шу иттифоқчилари билан чинакам муҳокама қилиш ниятида эмаслигини кўрсатади.

Париждаги кенгашдан кейин НАТОдаги иттифоқчилар ўртасида сиёсий консультациялар кенгайтирилади, деб ўйлайсизми, деган саволга жавоб бериб, Даллес, АҚШ бундай консультациялар НАТО аъзолари учун «одат» бўлиб қолишига интилади, деб айтди. Бироқ, Даллесдан, демак шундай, экан, нега АҚШ НАТО тўғрисидаги шартномани ўзгартириб, бу шартномага сиёсий консультациялар ўтказиш зарурлиги ҳақидаги моддани киритмаётир, деб сўралганида, Даллес, менинг фикримча, шартномани бундай ўзгартириш «оқилона» иш бўлмас эди ва «гоят қийин» иш бўлур эди, деди.

Қўшма Штатлар НАТО манфаатларини кўзлаб, Ғарбий Германиянинг саноат имкониятларидан кўпроқ фойдаланишни ўйлайтирми, деган саволга жавобан Даллес айтдики, АҚШнинг фикрича, бу имкониятлардан, жумладан, энг янги қурол-яроғларнинг «базаси» турларини ишлаб чиқаришда анча кўпроқ даражада фойдаланиш мумкин. Даллес, бу масала НАТО сессиясида «текширилади ва муҳокама қилинади» деди.

Матбуот конференциясида Даллес, АҚШ миллий хавфсизлик кенгашининг мажлисида қатнашганимдан кейин, 12 декабрда Парижга жўнаб кетаман, деди. Даллеснинг сўзига қараганда, у, Парижда НАТО сессиси очилмасдан олдин Франция бош министри ва ташқи ишлар министри билан, Норстэд билан, Спаак билан, шунингдек АҚШнинг НАТОдаги вакили Баржесс билан «дастлабки» музокаралар олиб боради.

НЬЮ-ЙОРК ТРАНСПОРТИ ИШЧИЛАРИНИНГ ЗАБАСТОВКАСИ

НЬЮ-ЙОРК, 11 декабрь. (ТАСС). Нью-Йорк метроси вагон ҳайдовчиларининг мустақил касаба союзи томонидан 9 декабрь эрталаб бошланган забастовка тобора кенг тус олмоқда. АФТ-КПП га кирган поезд ҳайдовчилар касаба союзининг кўп аъзолари, баъзи автобус линияларининг шоферлари ҳам забастовкачиларга қўшилдилар.

Нью-Йорк газеталарининг хабар беришича, забастовка натижасида шаҳардаги ҳаёт издан чиқарилган. Нью-Йорк кўчаларида кўп автомашиналар тўпланиб турибди. Метронинг кўп станциялари ёпилган. Шаҳарда ишлаб турган автобус линиялари ҳамма пассажирларни ташиб улгура олмайди, натижада кўп ишчи ва хизматчилар пешга кечикмоқда.

Нью-Йорк мэри Вагнер забастовкани тўхтатишга ҳаракат қилиб, забастовкани ғайри қонуний деб эълон қиладиган қарор чиқарди. Шундан кейин транспорт маъмурияти ишга чиқишдан бош тортган ҳамма ишчилар ишдан бўшатилади, деб огоҳлантирди.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 15 декабрда чиқади).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА— 13/XII да **Ганг дарёсининг қизи**, 14/XII да **Алишер Навоий.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/XII да **Тоҳир ва Зуҳра**, 14/XII да **Травиата.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 13/XII кеч соат 8 яримда **Катта концерт.** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Мукаррама Турғунбоева, Фотима Борухова,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, фестиваль лауреатлари, солистлар ва «Баҳор» рақс ансамбли қатнашади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 13, 14, 15/XII да **Хинд филлари аттракционининг сўнгги кунлари.** Ўргатувчи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **А. Н. Корнилов.** Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
16 декабрда
Ўзбекистон ССР халқ артисти
МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВА,
Ўзбекистон халқ ҳофизи
МАЪМУРЖОН УЗОҚОВ КОНЦЕРТИ

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Муҳаммаджон Мирзаев,** артистлардан **Башорат Хўжаева, Тўхта Рисметова, Ғулом Тожиаълоев** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ РЕСПУБЛИКА КИНОУСТАНОВКАЛАРИ ЭКРАНЛАРИДА

ҚУШНИЛАРИМИЗ

НОМЛИ ЯНГИ КИНОКОМЕДИЯ ЧИҚАРДИ.

Сценарий авторлари — **М. Антоненков, В. Севел.**
Постановкачи режиссёр — **Сергей Сплошнов.**
Оператор — **А. Булинский.**
Композитор — **Б. Мокроусов.**

Р о л ь л а р д а:
Г. Глебов, О. Викланд, Н. Корнеева, Л. Фричинский, К. Сорокин. В. Кравченко, А. Адоскин, Л. Ржецкая, М. Петровлар қатнашади.

Фильмни «Белоруссфильм» куностудияси 1957 йилда ишлаган.

ҮТЛИ ИЎЛЛАР

НОМЛИ ЯНГИ КИНОПОВЕСТЬ ЧИҚАРАДИ

Сценарий автори — **Н. Фигуровский.**
Постановкачи — **С. Самсонов.**
Оператор — **Ф. Добронравов.**

Р о л ь л а р д а:
И. Савкин, М. Володина, М. Трояновский, А. Ходурский, В. Кенигсон, Е. Буренков, В. Степанов, А. Осмольский, С. Пряничников.

Н. Кондратьевлар қатнашади.

Фильмни «Мосфильм» киностудияси 1957 йилда ишлаган.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими —136 Маданият бўлими— 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132 Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 07831. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1899.